

Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

Mustaqillik huquq demakdir

Нидо



ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ БОШ
ПРОКУРАТУРАСИНИНГ
НАШРИ


1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2016-yil 4-avgust, №31 (1020)



Болалар ёзи



Таътил мароқли ўтмоқда

Ёзни ҳеч ким болаларчалик интиқ бўлиб тулмаसा керак. Чунки ушбу фаслнинг ilk кунлариданоқ ўғил-қизлар учун оромгоҳлар ўз эшикларини очди. Бу йил ҳам республикамизнинг барча ҳудудларида ўқувчиларнинг ёзги таътилда кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун давлатимиз томонидан барча имкониятлар яратиб берилди.

Оромгоҳларда болажонлар турли фан тўғрақларида ўз билим ва кўникмаларини оши-

ришга, иқтидорларини намоён этишга муваффақ бўлишмоқда. Жумладан, улар турли виқториналар, билимлар синовлари, савол-жавоб кечаларида ўз билимларини синаб кўришмоқда. Спорт тўғрақларида эса ўқувчилар футбол, шахмат-шашка, стол тенниси ва бадий гимнастика билан шуғулланмоқдалар.

Бир сўз билан айтганда, бугун ёшларимизнинг баркамол бўлиб вояга етиши учун давлатимиз томонидан барча шароитлар муҳайё қилинмоқда.

Парламентада

Қонун лойиҳаси қабул қилинди

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан депутатлик бирлашмалари билан ҳамкорликда "Олий Мажлис томонидан қабул қилинаётган қонунларнинг ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон давлат мустақиллигини мустаҳкамлашдаги роли" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбирда энг аввало давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мустақиллик йилларида Ўзбекистонда жамият ва давлатнинг ҳамма соҳаларида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилганлиги, ишончли қонунчилик базаси шакллантирилганлиги, жумладан 16 та кодекс ва 800 дан ортиқ қонунлар қабул қилинганлиги ва бу жараёнда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҳам салмоқли ҳиссаси борлиги таъкидланди.

Давра суҳбатида Қонунчи-

лик палатасининг тегишли қўмиталари ҳузурдаги эксперт гуруҳи аъзолари, тегишли вазирилик, идоралар ва бошқа ташкилотлар вакиллари билан мухассислар томонидан "ҳуқуқий бўшлиқлар", "ишламаётган" ва "турлича талқин қилиниши мумкин бўлган" нормаларни аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида 300 дан ортиқ қонунчилик ҳужжатлари инвентаризациядан ўтказилиб, натижада амалдаги қонунчилик ҳужжатларини такомил-

лаштириш юзасидан таклифлар тайёрлангани хусусида сўз борди.

Жумладан, инвентаризация яқунлари буйича депутатларнинг ташаббуси билан "Парламент назорати тўғрисида" - ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги ва бошқа Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳалари ишлаб чиқилиб, қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Олий суд судьялари, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича вилоят ва унга тенглаштирилган суллар раислари, Олий суд ҳузуридаги илмий-маслаҳат кенгаши аъзолари, Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар масъул ходимлари, ҳуқуқшунос олимлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судида

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Ш.Фозиев бошқарган мажлисда таъкидланганидек, Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунчиликни мустаҳкамлашга қаратилган изчил ислохотлар суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва либераллаштиришга хизмат қилмоқда, натижада фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли ҳимоя қилиниб, жамиятда адолат таъминланмоқда.

Мажлисда муҳокама этилган "Судлар томонидан вояга етмаган ва вояга етган меҳнатга лаёқатсиз болалар таъминоти учун алимент ундиришга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида" ва "Аризани қабул қилишни рад этиш, аризани кўрмасдан қолдириш ва иш юритишдан тугатиш билан боғлиқ процессуал нормаларни қўллаш масалалари тўғрисида"ги Олий суд пленуми қарорлари ҳам моҳият-эътибори билан инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган бўлиб, ушбу йўналишдаги қонунларни бир хилда ва тўғри қўллаш ҳамда ягона суд амалиётини шакллантиришга хизмат қилади.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ёш авлодни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг кафолатли ҳимоясини таъминлашга қаратилган мустаҳкам ҳуқуқий база яратилган. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг 1992 йил 9 декабрда ратификация қилган биринчи халқаро-ҳуқуқий шартнома Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциядир.

Ўзбекистон бола ҳуқуқларига оид ўнга яқин халқаро шартномаларнинг ҳам аъзоси ҳисобланади. Мамлакатимиз ушбу халқаро конвенциялар орқали ўз зиммасига олган мажбуриятларини изчиллик билан бажариб келмоқда.

Мамлакатимизда инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга доир 8 та конституциявий қонун, 16 та кодекс ва 650 дан ортиқ қонун қабул қилинган. Бу қонун ҳужжатлари инсон, хусусан, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Кейинги етти йилда мамлакатимизда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитаси тавсияларини инобатга олган ҳолда қарийб 20 та қонун қабул қилинганлиги таъкидлаш лозим.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида бола ҳуқуқлари мустаҳкам кафолатланган. Жумладан, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида экани, ота-оналар ўз фарзандларини вояга еттунарига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурлиги белгилаб қўйилган.

2016 йил мамлакатимизда "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилингани ва Давлат дастури қабул қилингани бу борадаги ислохотларнинг янги босқичини бошлаб берди.

Вояга етмаган ва меҳнатга лаёқатсиз болаларнинг моддий таъминот олиш ҳуқуқини таъминлаш, бу борада Оила кодекси нормалари тўғри таътиб этилиши бўйича ягона суд амалиётини шакллантириш мақсадида Олий суд Пленумининг ушбу қарори ишлаб чиқилди. Бундан қўзланган асосий мақсад болаларнинг соғлом ва ҳар томонлама баркамол бўлиб улғайишида ота-оналар масъул эканлиги, улар ўзларининг вояга етмаган ва меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларини ҳар доим ижтимоий таъминлашга мажбурлигига судлар эътиборини қаратишдан иборатдир.

Қонун ҳужжатларига кўра, бу мажбуриятни ихтиёрий равишда бажармаган ота (она) дан алимент фақат суд қарори асосида ундирилади.

/Давоми 2-бетда/

Ўзбекистон Республикаси Олий судида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Пленум қарорида алимент тўлаш билан боғлиқ бўлган низоларни ўз вақтида ва тўғри ҳал қилиш болалар манфаатлари ҳимоясининг муҳим қоғозларидан бири ҳисобланишни назарда тутиб, судларга бу қонун ҳужжатларига қатъий риоя этиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Олий суд Пленуми йиғилишида иштирокчилар томонидан "Аризани қабул қилишни рад этиш, аризани кўрмасдан қолдириш ва иш юриштишни тугатиш билан боғлиқ процессуал нормаларни қўллаш масалалари тўғрисида"ги қарор лойиҳаси ҳам муҳокама этилди.

Конституциямизнинг 44-моддасига мувофиқ ҳар бир шахонинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган. Шунга кўра, Пленум қарорида аризани қабул қилишни рад этиш, аризани кўрмасдан қолдириш ва иш юриштишни тугатишда судлар процессуал ҳуқуқ нормаларини тўғри қўллаш юзасидан раҳбарий тушунтиришлар берилди.

Олий суд Пленуми йиғилишида "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қарор лойиҳаси ҳам муҳокама этилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган Пленум қарори лойиҳалари амалдаги қонун нормаларини бир хилда ва тўғри қўллаш, ягона суд амалиётини шакллантириш, бир сўз билан айтганда, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончи ҳимоя қилиш, одил судлов самарадорлигини янада оширишга қаратилгани билан эътиборлидир.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори И.Абдуллаев иштирок этди.

Шу кунги Ўзбекистон Республикаси Олий судида умумий юрисдикция судларининг 2016 йилнинг биринчи ярмида одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолияти натижалари ҳамда истиқболдаги вазифаларига бағишланган кенгайтирилган раёсат йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида суд-ҳуқуқ соҳасини демократик асосда янада ислоҳ этиш ва эркинлаштириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилгани таъкидланди. Соҳага оид қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари жамятда қонун устуворлиги, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси борасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолияти самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тўбдан яхшилаш ҳамда судлар фаолиятини янада такомиллаштиришга оид фармонлари судьяларнинг билим ва малакасини ошириш, уларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришда алоҳида аҳамият касб этди. Бу суд ҳокимиятининг фаолияти самарадорлигини янада ошириш, мустақиллигини мустаҳкамлашга замин яратмоқда.

Умумий юрисдикция судлари одил судловни амалга ошириш, фуқароларнинг қонун билан қўриқланидиган манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш борасида самарали фаолият кўрсатмоқда.

Жорий йилнинг биринчи ярмида фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 139 мингдан ортиқ иш қўрилиб, уларнинг 87,9 фоизи бўйича ҳал қилув қарори чиқарилган, шундан 88,5 фоиз иш бўйича талаблар қаноатлантирилган.

Жиноят ишлари бўйича судларнинг ўтган даврдаги фаолияти таҳлилига қараганда, айрим жиноят турлари, хусусан, ўғирлик, қасддан одам ўлдириш, қасддан баданга оғир шикаст етказиш, номусга тегиш, босқинчилик, талончилик, йўл-транспорт ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бузиш, транспорт воситасини олиб қочиш, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш, безорилик каби жиноятлари учун судланганлик кўрсаткичлари 2015 йилнинг шу даврига нисбатан сезиларли даражада камайган.

Жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида судлар томонидан ярашув институтининг самарали қўлланилиши натижасида 6 минг 934 нафар шахс жиноий жавобгарликдан озод этилди.

Хисобот даврида 150 миллиард сўмдан ортиқ моддий зарарнинг ўрнини ихтиёрий равишда қоплаган 2 минг 872 нафар шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланган.

Жиноят ишлари бўйича судлар томонидан 197 минг 607 нафар шахсга нисбатан 158 мингдан зиёд маъмурий иш қўриб чиқилган.

Судья ва суд ходимларининг масъулиятини, касб маҳорати ва малакасини янада ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда судлар фаолиятида йўл қўйилган камчиликлар ҳам муҳокама этилиб, қатъий муносабат билдирилди.

Одил судловни амалга оширишда судьялар томонидан қонуний ва адолатли суд қарорлари қабул қилиниши суд ҳокимиятининг обрў-эътиборини юксалтирадиган, аҳолининг унга бўлган ишончини мустаҳкамлайдиган муҳим омил эканлиги қайд этилди.

ЎЗА

Советгичдаги «ОҒУ»

Бугун гиёҳвандлик балоси жаҳон ҳамжамиятини жиддий ташвишга солмоқда. Миллионлаб одамлар бу оғудан азият чекмоқда, ўн гулдан бир гули очилмаган ёшлар нобуд бўляпти, майиб-мажруҳ болалар дунёга келмоқда. Баъзи кимсаларнинг шу йўл билан мўмай даромад топишга ҳаракат қилаётганликлари ўта афсусанарли ҳол. Бегуноҳ одамларнинг аччиқ кўз ёшлари, кулфатарли ҳисобига топишган пулга кун кўраётган, бола-чақасини боқётган бундай шахслар ҳар қандай жазога лойиқ.

Гиёҳванд модда сотувчиларнинг аксарияти бу оғун ўзлари истезмол қилмайдилар. Сабаби, оғу инсонни нафақат саломатлигидан, балки ёру дўстлари, касби, уй-жойидан, қолаверса, борбудидан ҳам маҳрум қилишини улар ҳис қилмайдилар. Бу "заҳри қотил" инсонни ўзига тамомила тобе қилади. Гиёҳвандлик воситалари соғлом жамият кушандаси эканини била туриб, инсон ҳаётини заҳарлаш орқали даромад топишга уринаётган, "оғу"ни тарқатиш билан шугулланаётган кимсалар вақти келиб, албатта, жазосини олади. Эрога, кўза кунда эмас, кунда синаяди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ўтказилган тадбирларда ана шундай оғуфурўшларнинг бир гуруҳи фаолиятга чек қўйилди. Хоразмлик Саид Ганжаев, Мехроҷ Саидов, Илхом Тўланов, Равшан Йўлдошев ҳамда самарқандлик Жамол Расулов, Маматқул Муслимов ва Жасур Бозоровлар (исм-фамилиялар

ўзгартирилган) мана шундай жирканч савдо йўлида бир жинорий гуруҳга бирлашадилар. Улар қўшни Тожикистон Республикасидан юртимиз ҳудудига олиб ўтилган гиёҳвандлик воситаларини сотиш билан мунтазам шугулланиб келишган экан. Жумладан, бу ҳамовоклар 2012 йилнинг июнь ойида 1 килограмм, ўша йилнинг декабрь ойида эса яна 2 килограмм "опий" гиёҳвандлик моддасини юртимиз ҳудудига олиб кириб сотишга муваффақ бўладилар. Жирканч савдо ортидан сувдай оқиб келаётган пуллар уларни янада руҳлантиради. 2013 йилнинг май ойларида жинорий гуруҳ томонидан яна 6 килограмм "опий" олиб келиниб, сотиб юборилади. Бу кимсалар янада кўпроқ пулга эга бўлиш илнжидида 2013 йилнинг октябрь ойида 5 килограмм "опий"ни пойтахтимиздаги "Абу сахий" буюм бозорига олиб келишади. Улар ушбу гиёҳванд моддаларни асосан турли техника буюмлари орасига беркитиб олиб келади. Бу

Дилмурод БАЙМЕТОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси
бўлим катта прокурори

галги 5 кг "заҳри қотил"ни улар юртимизга олиб келинаётган советгичлар ичига жойлаган эдилар. Яхшиямки, оғуфурўшлар бу сафар мақсадларига ета олмадилар. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг хушёр ва сергак ходимлари жинорий гуруҳнинг "бизнес"ига чек қўйишди.

Ушбу кимсаларнинг содир этган оғир жиноятлари ўзларининг пушаймон бўлиб берган кўрсатмаларидан ташқари, тегишли ашёвий далиллар билан тўлиқ исботини топди.

Жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман суди уларнинг ҳар бирини узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиб, ҳқм чиқарди.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, гиёҳвандлик иллатининг илдизлари га болта уриш фақатгина ваколатли идоралар зиммасидаги иш эмас, у кенг қўламли ҳамкорликдаги фаолиятни ҳам талаб этишини ҳар биримиз тереан англамоғимиз ва бу ишга ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз лозим. Бу масъулиятни барчамиз бирдек ўш этайлик. Айниқса, ёш авлодни мазкур балодан асраш, уларни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш бугуннинг энг долзарб вазифаларидан биридир.

Валютафурўшлар

Республикамиз ҳудудимиз бирдан-бир қонуний тўлов воситаси бўлмиш миллий валюта-нинг мақомини янада мустаҳкамлаш, нақд хорийий валютанинг муомала доирасини тартибга солиш, жинорий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш, шунингдек, валюта айирбоғиш операцияларини амалга ошириш механизмининг такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Аmmo, айрим юртодошларимиз мўмай даромад ортидан қувиб, ноқонуний чет эл валютаси олди-сотдиси билан шугулланиши қанда қилишмаяпти. Ана шундай қонунбузарларнинг фаолиятига барҳам бериш мақсадида СВОЖДЛҚК департаментининг Учтепа туман бўлими томонидан қатор чора-тадбирлар

Бекзод ЯКУБОВ,
СВОЖДЛҚК департаментининг
Учтепа туман бўлими бошлиғи

қўриб келинмоқда.

Хусусан, Алибек ва Асом Матчоновлар (исм-фамилиялар ўзгартирилган), Паул Дўстметов ҳамда Улугбек Боймирзаев фуқаро Гулмира Эҳсоновага 18 минг АҚШ долларини "қора бозор" нархида келишиб, сотаётган вақтда тегиш ҳодимлар томонидан ушланиб, уларнинг жинояти фош этилди.

Тадбир давомида ҳуқуқбузарлардан ноқонуний равишда муомалага киритиш учун тайёрлаб қўйилган валюта қимматликлари ашёвий далил тариқасида олиб қўйилиб, уларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Жиноятга эса жазо муқаррар. Улар қилмишлари учун суд ҳқми билан тегишли жазо олишди.

Мустаҳкам ирода билан — фаровон ҳаёт сари

Самарқанд шаҳридаги "Ёшлик" маданият ва истироҳат боғида одам савдосига қарши курашиш бўйича вилоят идоралараро комиссиясининг "Одам савдоси — давр муаммоси" лойиҳаси доирасида "Мустаҳкам ирода билан — фаровон ҳаёт сари" шиори остидаги тарғибот тадбири ўтказилди.

Вилоят прокуратураси, ҳқимлик ҳамда мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида муайян ишлар амалга оширилаётганини таъкидлашди.

Одам савдоси жиноятига барҳам бериш учун етарли норматив-ҳуқуқий база шакллантирилгани, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар туғайли одам савдосини жабрланганлар учун кенг имкониятлар яратилиб, уларни муқобил

иш билан таъминлашга катта эътибор қаратилаётганини эътироф этишди.

Тадбир доирасида одам савдосидан жабрланган ва чет давлатлардан депортация қилинган ишсиз фуқаролар учун "Бўш иш ўринлари ярмаркаси" ташкил этилди. Унда Самарқанд шаҳридаги 104 та корхона, ташкилот ва муассаса ўзларидаги мавжуд 670 дан зиёд бўш иш ўринларини тақдим этишди.

— Бориға қаноат қилмасдан, чет эллардан бахт қидириб, одам савдоси қурбонига айланганлар бу савдонинг инсон шаънини, қадр-қиммати, оёсайиша турмуши ҳамда келажагига таҳдид эканини бошига тушганидигина ҳис этади, — дейди вилоят прокуратураси бўлим бошлайи ўринбосари Хондамир Мардиев. — Минг азобларда Ватанга қайтиб келиб, оғир ша-

Дўстбек СУЛАЙМОНОВ,
«Huuquq»

роитда қолади. Бизда шундай везна ияртилганки, уларга ҳар доим ёрдам қўлини чўзамиз. Соғлигини тиклашга, иш топишга қўмаклашамиз.

Лойиҳа доирасида яширин меҳнат мигрантларини аниқлаш бўйича умумпрофилактик ишлар қадағидаги "Маҳалла — ҳал қилувчи куч" номи кўргазма, одам савдоси жабрқидиларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилишга қаратилган видеороликлар тақдимотлари, беҳаёлик, шафқатсизлик ва зўранонликка қарши курашиш мавзусига бағишланган, ўзаро меҳр-оқибат туйғулари акс этган сахна кўринишлари шарлар кўргазмаси, "Ватан тараққийотида менинг ҳиссам" шиори остида концерт дастури намойиш этилди.

Республикаимизнинг ноёб табиий иқлим-тулроқ шароити қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, хусусан, мева, сабзавот ва полиз маҳсулотларини йил бўйи етиштириш учун жуда қулай ҳисобланади. Юртимиз деҳқонлари пешона тери билан етиштирган тилни ёрар мева-ю сабзавотлар, полиз маҳсулотларининг донги етти иқлимга ёйилгани ҳам бежиз эмас. Шу боисдан ҳам аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан йил давомида таъминлашга давлатимиз томонидан катта эътибор қаратилмоқда.



Халқимиз

фаровонлиги йўлида

Президентимизнинг 2016 йил 12 апрелдаги "Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини тақомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида"ги Қарори ҳамда соҳага оид бошқа қонун ҳужжатлари тармоқчи ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Прокуратура органлари томонидан мазкур қонунчилик ҳужжатлари ижроси юзасидан назорат тadbирлари амалга оширилмоқда.

Айни даврда соҳада бир қатор уютулганга эришилаётгани эътироф этиш жоиз. Лекин шу билан бирга, назорат тadbирларида айрим қонун бўзилликлари йўл қўйилганлиги ҳам аниқланди. Жумладан, юқорида қайд этилган қарорнинг 2-банди билан республикаимиздаги вилоят ва туман ҳокимликларининг ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўйича ҳудудий бошқарма ва бўлимларида фермер ва деҳқон хўжаликлари томонидан ҳўл мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум етиштириш ҳажми бўйича ҳисоб-китобларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш ва улар томонидан тузилган контракция шартномалари бажарилишини мониторинг қилиш вазифаси юклатилган. Бироқ Беко-

бод, Ўртачирчиқ ва Паркент туманларида айрим ҳудудлардаги бог ва тоқзорларнинг қатор ораларига ишлов берилмаганлиги, эски боглар реконструкция қилинмаганлиги, мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, харид қилиш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш жараёнида қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйилганлиги аён бўлди.

Мазкур ҳолат юзасидан юқорида қайд этилган туман ҳокимларининг маъмурий жавобгарлик масаласи ҳал этилди.

Шу каби қонун бузилиши ҳолатларига Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро ва Сирдарё вилоятларида ҳам йўл қўйилганлиги аниқланиб, ушбу тармоққа мутасадди бўлган шахслар интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилдилар.

Айрим ҳолатларда фермер хўжаликлари раҳбарлари томонидан мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш учун мўлжалланган ер майдонларидан белгиланган мақсадларда фойдаланилмаган талон-торож қилиш ҳолатлари кузатилди. Масалан, Булунгур туманидаги "Сирож Джўраев даласи" фермер хўжалиги раҳбари мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш учун ажратилган ер майдонидан мақсадсиз фойдаланиб, 0,5 гектар ерни яқка тартибда уй-жой қуриш

учун 3 нафар фуқарога 14,5 млн. сўмга сотиб юборган. Худди шу каби Янгийўл туманидаги "Кумринисо фазл барака" фермер хўжалигининг 1,6 гектар ер майдонига фуқаролар томонидан яқка тартибда уй-жой қуриб олинганлиги аниқланиб, қайд этилган ҳолатлар юзасидан тегишли чоралар кўрилди.

Айрим ҳолатларда эса фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларини сотишдан тушган пул маблағлари банк муассасаларига топширилмаган. Қибрай туманидаги "Истиқлол Мадумаров Махаммадзим" фермер хўжалиги мансабдор шахслари 2013-2016 йиллар давомида хўжаликда етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларини сотишдан тушган 257,6 млн. сўм нақд пулларини банкка топширмаган.

Бундан ташқари, Шўрчи туманидаги "Камалак" богдорчилик фермер хўжалиги томонидан мевали қўчатлар экилиши режалаштирилган ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланилганлиги учун хўжалик раҳбарининг маъмурий жавобгарлик масаласи ҳал этилди.

Мева-сабзавот, полиз ва узум маҳсулотларини давлат бюрютраси асосида харид қилиш юзасидан контракция

Баҳодир ҚАРИМОВ,
Бош прокуратура бошқарма катта прокурори

шартномаларини тузиш ва ижросини таъминлаш борасида белгилаб берилган бир қатор вазифаларнинг ижроси айрим туманларда деярли бажарилмаган. Мисол учун, Шахрисабз туманида 2016 йилда бошқоқ дон экинларидан бўшаган 4 363 гектар ер майдонига мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари экиш режалаштирилган бўлса-да, маҳсулот етиштириш бўйича шартномалар тузилмаган, маҳсулотни харид қилиш бўйича қайта ишлаш, тайёрлов ва экспорт қилувчи корхоналар аниқланмасдан бу иш ўз холига ташлаб қўйилган. Шу каби қонун бузилиши ҳолатларига Фаллавор, Зомин, Янгибод, Косон, Косонсой, Каттақўрғон ва Сирдарё туманларида ҳам йўл қўйилган.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фермер хўжаликлари раҳбарлари томонидан сабзавот ва полиз экинларини жойлаштиришда қонун талаблари бузилишига йўл қўйилган. Хусусан, Қашқадарё вилоятида 8 минг гектар, Бухоро вилоятида 4,5 минг гектар майдонга экспортбоп бўлмаган маккажўхори экинларини етиштириш белгиланган. Бундан ташқари, Сурхондарё вилоятида галладан бўшаган

майдонларга экспортбоп сабзавот ва полиз экинларини экиш белгиланган бўлса-да, 7,5 минг гектар майдонга маккажўхори экилган.

Мева-сабзавот, полиз ва узум етиштирувчи фермер хўжаликлари аванс маблағлари, уруғлик, ёқилги-мойлаш маҳсулотлари ва бошқа моддий ресурслар билан тўлиқ таъминланиши муҳим аҳамиятга эга. Бироқ бу масала айрим жойларда жойий ечим топмаган. Хусусан, "Қарши нефть маҳсулотлари" ДУК томонидан фермер хўжаликларига 1,4 минг тонна ёқилги-мойлаш маҳсулотлари етказиб берилмаган. Шу каби Сайхун-обод туманидаги "Навбахор", "Амир Темур", "Бўстон" ММТП ҳудудларидаги фермер хўжаликлари ҳам уруғлик, ёқилги-мойлаш маҳсулотлари ва аванс маблағлари билан таъминланмаган.

Айрим экспортёр корхоналарнинг нақд пул билан таъминланиши аҳоли ҳам талаб даражасида эмас. Хусусан, Наманган вилоятида 2016 йил январь-май ойларида мева-сабзавот, полиз ва узум маҳсулотлари экспортдан 13,8 млрд. сўм миқдорига маблағ келиб тушган бўлса-да, экспортёр корхоналарга бор-йўғи 13 фоиз нақд пул берилган. Жиззах вилоятида эса 11 та экспортёр корхоналардан фақатгина битта МЧЖга 855 млн. сўм нақд пул берилган, холос.

Қашқадарё вилоятида экспортёр корхоналар ҳисоб рақамига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортдан жорий йилнинг ўтган даврида жами 2 млн. АҚШ доллари миқдорига маблағ келиб тушган, бироқ экспортёр корхоналарга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотиб олиш учун уларнинг нақд пулга бўлган талаблари ўрғанилмаган, нақд пул билан таъминлаш бўйича банklar кесимида тармоқ жадвали ишлаб чиқилмаган.

Ўтказилган назорат тadbирларида қонунсиз ҳужжатларга нисбатан 41 та протест келтирилиб, аниқланган қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 110 та тadbирнома киритилди.

Мамлакатимизда хусусий тadbиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, уларнинг эмин-эркин фаолият юритиши учун ҳуқуқий имкониятлар яратишга катта эътибор берилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ жорий йилда ҳам тadbиркорларнинг иқтисодийта тутган ўрни тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛҚК департаментининг Навоий вилоят бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан тadbиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, солиқ тўловчилар сонини кўпайтириш, қўшимча иш ўринларини яратиш орқали солиқ базасини кенгайтириш, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бош тортишининг янги механизми ва каналларини аниқлаш, солиқ ва валютга оид жиноятлар, коррупция, хуфиёна иқтисодиётга қарши курашиш борасида жорий йилнинг биринчи ярми давомида ҳам муваффақиятлар амалга оширилди.

Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги Фармони кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликнинг ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Албатта, мазкур фармоннинг мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтириш муҳим вазифамиз саналади. Шу мақсадда тadbиркорлик фаолияти билан шугулланмоқчи бўлган фуқароларга ишбилармонларга яратилаётган имконият ва имтиёзлардан тўғри фойдаланиш юзасидан тушунчалар бериш мақсадида аҳоли ва тadbиркорлар ўртасида 674

Тadbиркорлик фаолияти — доимий ҳимояда

маротаба тарғибот тadbирлари ўтказилди.

Шуниси диққатга سازоворки, мазкур фармонга қўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддасида назарда тутилган жиноятни (солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлан) биринчи марта содир этган, жиноят аниқлангандан кейин 30 кун ичида давлатга етказилган зарарни тўлиқ қоплаган, пеня ва бошқа турдаги молиявий санкцияларни тўлаган шахсга нисбатан жиноий иш қўзғатилмади ва у жавобгарликдан озод қилинади. Ушбу талабни инобатга олган ҳолда бошқарма ва ҳудудий туман-шаҳар бўлимлари томонидан 40 та ҳолатда солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўламаган хўжалик юритувчи субъектлар тўғрисидаги маълумотлар тегишли тартибда солиқ идораларига юборилди. Ўз навбатида солиқ идоралари қонунчилик томонидан мазкур хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларга талабномалар берилган, 1 млрд. 160 млн. сўм миқдоридида солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ўз вақтида тўланиши таъминланди.

Хуфиёна иқтисодиётга қарши курашишга қаратилган бир қатор тadbирлар доирасида яширин, ноқонуний равишда ишлаб чиқариш билан шугулланмаётган фуқароларнинг фаолиятига барҳам бериш ҳамда ҳуқуқий таъсир

чораларини кўрсатиш билан чекланиб қолинмапти. Ушбу фуқароларни солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтказиш, уларнинг фаолиятига қонуний тус бериш, стандарт талабларига мос, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришини йўлга қўйиш, имкон даражасида фаолиятини янада кенгайтириб, қўшимча иш ўринлари яратиши учун лозим бўлган чоралар қўрилмоқда. Бунинг самарасида муқаддам ноқонуний фаолият юритган, шунингдек, фаолиятини тўхтатган ҳамда тadbиркорлик фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлган хўжалик юритувчи субъектлардан 1298 тасига амалий ёрдам кўрсатилиб, 255 та янги иш ўринлари яратилишига эришилди.

Бошқарма ва ҳудудий туман-шаҳар бўлимлари томонидан ноқонуний ишлаб чиқариш фаолияти билан шугулланиб келаётганларга нисбатан жазо қўлш билан чегараланмасдан, қонунда тақиқланмаган яширин ишлаб чиқариш билан шугулланиб келаётган шахсларнинг фаолиятини қонунийлаштириш ва бу орқали янги иш ўринларини яратиш мақсадида 46 та ҳолатда маъмурий ҳуқуқбузарликка оид иш юритилган бўлса, 3 та ҳолатда тушунтириш ишлари олиб борилди. 22 та ҳолатда яширин цехлар фаолиятига қонуний тус

Фозилжон ФАЙЗИЕВ,
СВОЖДЛҚК департаментининг
Навоий вилоят бошқармаси
бошлиғи вазифасини бажарувчи

берилиб, 23 та янги иш ўринлари яратилди.

Жиноятларни бевосита тезкор-таҳлилий йўллар билан аниқлаш орқали солиқ базасини кенгайтириш ишларини янада кучайтириш мақсадида ўтказилган тезкор-таҳлилий тadbирларда 153 та жиноят, 78 та маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолатлари фож этилди. Шунингдек, ҳуқуқбузарлардан 620,7 млн. сўмлик товар-моддий бойликлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Хулоса ўрнида мамлакатимиз янги ички маҳсулотларда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликнинг улushi йилдан-йилга ошиб бораётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Шундай экан, халқимизнинг ҳаёт даражаси яхшиланиши ва юртимиз ривожланган демократик давлатлар қаторидан ўрин эгаллашига ҳисса қўшаётган соҳа вакиллари муносиб даражада ҳимоя қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш барчамизнинг вазифамиз эканлигини унутмаслигимиз даркор.

Инсон манфаатлари олий қадрият



Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида дадил қадамлар қўйилди. Бугун мустақиллигини мустаҳкамлаш, давлат ва жамиятни демократлаштириш ҳамда эркинлаштириш борасида Ўзбекистон Республикаси эришган улкан муваффақиятларни тараққий этган кўплаб давлатлар ҳам эътироф этмоқда.

Истиқлолга эришганимиздан кейин ўтган тарихан қисқа даврга назар ташласак, Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ва бевосита ташаббуси билан турли соҳаларда босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар мамлакатимизнинг тараққийёт йўлини белгилаб бераётганлигини кўраемиз. Ҳуртобшамиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш ғоясини илгари сурдилар. Шу асосда миллий анъаналар, муқаддас қадриятлар ва халқаро ҳуқуқ нормаларини ўзидан муассам этган Конституциямиз ва қонунларимиз ишлаб чиқилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу жараёнда шомашшоарликка йўл қўйилмади ёки қайсидир давлатнинг қонунчилик механизми андоза қилиб кўчирил олинмади. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг мутлақо янги концепцияси яратилди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни кузатишдан бўлсақ, мамлакат тақдирига бефарқ бўлмаган, ўз тарихи, бугуни ва келажакни тасаввур этиш олган фуқароларимиз улуг мақсад йўлида бирлишди, қудратли яратувчи кучга айлана бораётганини кўраемиз. Сиёсий ва ҳуқуқий тафаккури ўзгариб, янгиланиб бораётган фуқаролар қонун ижодкорлигида фаол иштирок этмоқдалар.

Хар бир қонунни тайёрлашда бу ҳуқуқий метёрининг халқимиз ҳаётини яхшилаш учун қай даражада самара бериши мумкинлиги нуқтаи назаридан ёндашилмоқда. Бу эса, албатта, ислохотларнинг узққни кўзилаб, инсон манфаатларини ўйлаб, чуқур мулоҳаза асосида, замон билан ҳамнафас руҳда амалга оширилаётганидан далолатлар. Ушбу жараёнда айниқса, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ўзгаришлар ва янги-

ликлар алоҳида ўринга эга.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминловчи бу тизимни ислоҳ қилишга умумдавлат аҳамиятига молик, ўзбек миллий моделнинг тақдирини ҳал қилувчи асосий масалалардан бири сифатида қаралиб, янги асосда суд-ҳуқуқ тизимини яратишга жиддий киришилди.

Инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини қароқотлаш ва таъминлаш ҳар қандай давлатнинг биринчи даражали вазифаси эканлигидан келиб чиқиб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат функцияларини амалга оширувчи барча органларнинг фаолияти, мақсад ва вазифалари қайта кўриб чиқилди.

Бунда асосий эътибор суд ҳокимиятининг жамиятдаги обрўсини ошириш, ҳуқуқий мустақиллигини таъминлашга қаратилди. Судларнинг жиноий, фуқаролик ва ҳўжалик ишлари бўйича ихтисослашуви қонунда мустаҳкамлаб қўйилиши билан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган функциялари янада кучайтирилди.

Бу жараёнлар прокуратура фаолиятини ҳам жиддий ислоҳ қилишни тақозо этди.

Прокуратура органлари фаолиятини белгиловчи ҳуқуқий асослар такомиллаштирилди ва уларнинг ҳуқуқий мақомига бир қатор ўзгаришлар киритилиб, прокуратуранинг ҳуқуқни ҳимоялаш ваколатлари кучайтирилишига устувор аҳамият берилди. Натихада кўп йиллар давомида жиноий жавобгарлигининг амалга оширилишида таъқиб этувчи ёки содда қилиб айтганда, "қораловчилик" вазифаларини бажариб келган прокуратура органлари янги қабул қилинган қонунга кўра, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларининг ҳимоячиси сифатида эътироф этилди.

Биргина Хоразм вилоят прокуратураси органлари то-

монидан вилоятда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза этиш, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида 2016 йилнинг 1-ярмида мўайян ишлар амалга оширилди.

Қонунларнинг ижроси устидан прокурор назоратини таъминлаш борасида ўтказилган 604 та текшириш натижасига кўра 2 мингдан ортиқ прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилиб, 2402 нафар шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояси учун ажратилган бюджет маблағларини ноқонуний сарфлаш ва талон-торож қилиш ҳолатлари ҳамон учрамоқда. Жорий йилнинг 1-ярмида ўтказилган текширишларда фуқаролар йиғинлари томонидан оилаларни ихтимой қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратилган маблағлардан 440 млн. сўми ноқонуний тўланганлиги аниқланди. Ушбу ҳолатга йўл қўйган мутасадди ходимларга эса тегишли ҳуқуқий чоралар кўрилди.

Соғлиқни сақлаш тўғрисидаги қонунлар ижроси юзасидан қатъий прокурор назорати ўрнатилиб, юқумли касалликларни ўз вақтида аниқлаш, даволаш ва олдини олишга алоҳида эътибор қаратилганлиги натижасида 9 турдаги юқумли касалликларнинг камайишига эришилган.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялашга оид Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармон ва қарорларида белгиланган талабларга риоя этган ҳолда, назорат тадбирларида тадбиркорларнинг ҳуқуқлари устуворлиги принциплари қатъий амал қилиниши ҳамда уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашуви билан боғлиқ ҳар бир ҳолат бўйича айбдорларга нисбатан жазонинг муқаррарлигини таъминлаш тадбирлари кўрилмоқда.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан 2016 йилнинг ўтган даврида тадбиркорлик субъектлари билан ўтказилган 126 та учрашувда 6978 нафар хусусий тадбиркор ва фермер иштирок этди. Шунингдек, прокуратуранинг ара-

лашуви билан ноқонуний тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган 845 нафар фуқаронинг қонуний тартибда рўйхатдан ўтказилиши таъминланди, 8 нафар тадбиркорга 523 млн. сўм миқдорда кредит берилишида, 6 нафарига 17,8 гектар ер майдони ажратилишида амалий ёрдам кўрсатилди. Вилоят прокуратураси органларининг амалий ёрдами билан 28 та тадбиркорлик субъектларининг янгида ташкил қилиниши натижасида 44 та янги иш ўринлари яратилиши таъминланди.

Жойларда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг тадбиркорлар ҳуқуқларини поймол этаётган қарорларини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилиб, бунинг натижасида 420 нафар тадбиркорнинг ҳуқуқлари бузилишига йўл қўйган мансабдор шахс тегишли жавобгарликка тортилди. Шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини ноқонуний текшириш ва фаолиятига асоссиз аралашуш каби ҳолатларга йўл қўйган 30 нафар мансабдор шахсга нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида ишлар қўзғатилди.

Жорий йилда вилоятда инвестиция дастурига киритилган объектлар сони 85 тани ташкил қилиб, уларда бажарилиши лозим бўлган таъмирлаш ва янгидан қурилиш ишларига лойиҳа қиймати 90,2 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилиши режалаштирилган эди. Шу йилнинг 1 июль ҳолатига 72,5 млрд. сўм ўзлаштирилган. Ушбу соҳада олиб борилган назорат тадбирлари давомида 3 та ҳолатда қўпол қонун бузилиши йўл қўйилганлиги аниқланди. Хусусан, Урганч шаҳридаги қар ва соқов болаларнинг махсус мактаб-интернатини муқамал таъмирлаш объектида 65,5 млн. сўмлик, Гурлан тумани кишлоқ ҳўжалик касб-ҳунар коллежини муқамал таъмирлаш объектида 78,4 млн. сўмлик ва вилоят юқумли касалликлар шифохонасини муқамал таъмирлаш объектида 73,4 млн. сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишларида амалда бажарилган ишларга қўшиб ёзиш натижасида бюджет маблағлари талон-торож қилинганлиги аниқланиб, вилоят ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси ҳамда бошқа пудрат ташкилотларининг мансабдор шахсларига нисбатан жиноят ишлари қўзғатилиб, жазо муқаррарлиги таъминланди.

Ўтган 6 ой мобайнида кишлоқ ҳўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш юзасидан ўтказилган 53 та текширишда 180 дан ортиқ прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилиб, 55 та шахснинг ҳуқуқи тикланган. Мазкур йўналишда ўтказилган тадбирларда маҳаллий ҳокимият ва тегишли ташкилотларга 47 та тақдимнома киритилиб, қонунга зид қарорларни бекор қилиш тўғрисида 77 та протест келтирилган. 24 нафар шахс интизомий, 127 нафари маъмурий жавобгарликка тортилган. Фермер ҳўжаликлари томонидан жами 72 та ҳолатда 229,1 гектар ер майдонларидан мақсадсиз фойдаланилишига йўл қўйилганлиги аниқланиб, 3,9 гектар ер майдони дав-

Саодат РЎЗМЕТОВА,
Хоразм вилоят прокурорининг
Матбуот хизмати бўйича қатта
ёрдамчиси

лат заҳирасига қайтарилди. Бундан ташқари, воёга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат соҳасида ўтказилган 119 та текшириш натижасида 276 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилиб, 726 нафар шахснинг ҳуқуқлари тикланди. Ҳўқуқларнинг кунлик давомида ва уларнинг сабабсиз дарс қолдириши аҳоли юзасидан прокурор назорати ўрнатилди.

Коллежлардаги гуруҳларга бириктирилган масъул ходимлар томонидан гуруҳ раҳбарлари билан ҳамкорликда дарс машғулотларига қатнашмаётган ўқувчиларни ўқушга қайтариш чоралари қўрилиб, даволат тадбирлари натижасида касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларнинг даволати 88 фоиздан 96 фоизгача кўтарилди.

Ҳокимликлар ҳузуридаги воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар, вилоят прокуратураси, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси билан ҳамкорликда жорий йилнинг 6 ойда 34 та меҳнат ярмаркаси ўтказилиб, 2 минг 458 та қорхона, ташкилот ва муассасалар ўзларидида 13 мингдан ортиқ кўш иш ўринлари билан қатнашган. Ярмаркаларда иштирок этган коллеж битирувчиларидан 1 минг 76 нафари доимий ишга жойлашши учун йўлланма олди. Шунингдек, коллеж битирувчиларини бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб, 657 нафар коллеж битирувчисига 11 млрд. 930 млн. сўмлик имтиёзли кредит ажратилди.

Вилоят прокуратураси органларига келиб тушган мурожаатлар сони 2328 тага ошган бўлиб, улардан 4836 таси бевосита прокуратура органларида ҳал этилиб, шундан 698 таси қаноатлантирилди, 2227 таси ҳал этиш учун бошқа муассасаларга юборилди.

Қонунчилик ижроси юзасидан ўтказилган назорат тадбирлари ва мурожаатларни кўриб чиқиш натижаларига кўра, протест келтириш йўли билан мансабдор шахсларнинг 8 та қонунга зид ҳуқуқий ҳужжатлари қонунларга мослаштирилди. Аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари 28 та тақдимнома орқали бартараф этилди, 60 нафар мансабдор шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди.

Вилоятда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш борасида вилоят ҳокимлиги ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан жамоатчилик билан ҳамкорликда аниқ чора-тадбирлар белгиланиб, уларнинг сифатли ва самарали бажарилиши учун фаолият янада такомиллаштирилмоқда.



Халқимизнинг иқтисодий ва маънавий қудрати ифродаси

Ўзбекистонда биринчи автомобиль ишлаб чиқарилганига 20 йил тўлди

Ў Чорак аср олдин қишлоқ деса пахта даласи, ишчи деса пахтакор, машинасозлик деса пахта терув машинасини тасаввур қилган одамга бир неча йилдан сўнг Ўзбекистон дунёда автомобиль ишлаб чиқарилган мамлакатлар қаторида бўлади, десангиз қай аҳволга тушарми?! Тўғри-да, бугунги ҳам четдан келтиришга мажбур бўлган аграр республикада мустақилликка эришганидан кейин атиги беш йил ўтиб энг мураккаб, замонавий sanoat тармоғи — автомобилсозликка асос солинishi дунёда кузатилмаган воқеликлар.

Ўтаётган ҳар бир кун бизни мамлакатимиз тарихидаги энг улуг сана — истиқлолнинг 25 йиллик тўйига яқинлаштирмоқда. Ана шундай шуқуҳли дамларда юртдошларимизнинг ҳар бири ҳаётига янада теранроқ назар ташлаб, ким энди гу ким бўлди, деган саволга жавоб қидириши табиий. Зеро, Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда тарихан қисқа даврда амалга оширилган ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш, иқтисодий таркибий ўзгариш ва ривожланган давлатлар қаторидан муносиб жой олишга қаратилган изчил ислохотлар халқимизнинг улкан яратувчанлиги ва интеллектуал салоҳиятини Ватанимиз раванга, ҳеч кимдан кам бўлмаётган яшашимиз, буюк орзуларимиз рўёби йўлида сафарбар этиш имконини берди.

Дунёнинг етакчи таҳлилчилари мамлакатимиз иқтисодий тараққиёти синрини очиб устида бош қотириб келмоқда. 90-йилларнинг бошидаёқ бозор иқтисодиётига ўтишнинг стандарт шаклларидан воз кечган бўлса-да, бир неча йил ўтиб собиқ иттифоқ республикалари ўртасида биринчилардан бўлиб Ўзбекистонда ялли ички маҳсулот ўсишига эришилиши, кам таъминланган аҳоли қатламларини кучли ижтимоий ҳимоялаш тизимининг жорий қилиниши, нефть, газ сингари стратегик аҳамиятга эга маҳсулотлар билан ўзини ўзи таъминлай бошлаши — буларнинг барчаси халқро жамоатчилик учун қутулмаган воқелик бўлди.

Бундан йигирма йил аввал Асака автомобиль заводи ишга тушди. 1996 йил 19 июль

куни Асакада "ЎзДЭУавто" қўшма корхонасининг расмий очилиш маросими бўлди. Президентимиз Ислам Каримов ўша тантанали маросимда бундай деди: "Ўзимизнинг юртимизда ҳам, узоқ ва яқин қўшниларимиз ҳам яхши тушундики, бундай улкан заводни қуриш учун нафақат иқтисодий ва молиявий имкониятларга, балки катта маънавий қудратга, қолаверса, катта юракка ҳам эга бўлиш керак".

Автомобилсозлик дунё sanoatининг энг пешқадам тармоқларидан бири ҳисобланади. Маълумотларга кўра, жаҳон ялли ички маҳсулотининг қарийб ўн фоизини шакллантираётган ушбу тармоқ иқтисодий чуқур таркибий ўзгаришга қодир. Бинобарин, автомобилсозлик ишлаб чиқаришга энг илғор ва мураккаб технологияларнинг кенг жалб этилиши, маҳсулотларнинг улкан қўшимча қийматга эга бўлишини таъминлайдиган қайта ишлаш тармоқларининг вужудга келишини рағбатлантириш орқали иқтисодийнинг рақобатбардошлигини таъминлашга хизмат қилади.

Тармоқда яратилаётган ҳар бир иш ўрни бошқа тармоқларда еттидан ўн бештагача иш жойи очилишига, мамлакатда юқори малакали мутахассисларга бўлган талабнинг ортишига замин яратлади.

Юз хилдан кўп

Мустақилликка қадар энгил автомобилга эга бўлиш ҳар кимга ҳам насиб этмасди. Мутлақо янги технологиялар, энг илғор талабар асосида ишлаб чиқарилган миллий автомобилсозликнинг илк намуналари — "Damas", "Nexia" ва "Tico" юртимиз йўлларида

пайдо бўлиши автомобиллар ҳақидаги тасаввурларимизда, таъбир жоиз бўлса, инқилоб юз беришига сабаб бўлди.

Давлатимиз раҳбари томонидан соҳага алоҳида эътибор қаратилиб, ишлаб чиқаришга замонавий технологиялар жалб қилиниши, модернизациялаш тадбирларининг изчил амалга оширилиши самарасида миллий автомобилсозлик жадал ривожланаётган sanoat тармоғига айланди. Бинобарин, ўтган давр мобайнида Тошкент шаҳри, Андижон, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида замонавий корхоналар барпо этилиб, юртимизда ишлаб чиқарилаётган энгил ва юк автомобиллари, махсус транспорт воситаларининг тури юзтадан ошиб кетди!

Асака автомобиль заводи ўз фаолияти кўламини йил сайин кенгайтириб борди. Миллий автомобилсозликда янги русумлар пайдо бўлди. 2001 йилнинг август ойида "Matiz" хэтчбеки, 2002 йилнинг сентябрида янги русумдаги "Nexia DOHC" седани тақдим этилди.

Компания деярли ҳар йили харидорларни янгиликлар билан хушнуд этиб келмоқда. 2003 йилда автомобиль sanoatимиз "Lacetti" русумидаги автомашини ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. 2004 йилнинг декабрь ойида бир литр ҳажмли двигател ва автомат узатмалар кутисига эга "Matiz Best", 2006 йилнинг февраль ойидан янги "Damas II" автомашиналари ишлаб чиқарила бошланди.

2008 йилда тармоқдаги тўнгич корхона — Асака автомобиль заводи ҳаётида янги давр бошланди. Унинг негизида "Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси ҳамда "General Motors" компанияси таъсисчилигида "GM Uzbekistan" қўшма корхонаси ташкил этилди. Ўзбек автомобиллари сафи янги, замонавий ва сифатли автомобиллар ҳисобига янада кенгая бошлади. 2010 йилда анча такомиллаштирилган ва технология ихчамлаштирилган "Chevrolet Spark", 2011 йилда модернизация қилинган "Chevrolet Captiva",

2012 йилда "Chevrolet Malibu", 2013 йилда "Chevrolet Cobalt" автомобил юз беришига сабаб бўлди. Сўнгги йилларда миллий автосаноатимиз автомобиллари қаторига янги русумдаги машиналар қўшилди. Хусусан, янгиланган "Lacetti", 2014 йил бошида "Orlando" оилавий автомобили намойиш этилди.

— 2015 йилнинг июль ойида "GM Uzbekistan" акциядорлик жамияти янги — "Labo" автомобиллини омма эътиборига ҳавола қилди, — дейди "Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси бошқарма бошлиғи ўринбосари Алишер Комилов. — Compact LCV автомобиллар тоифасига киратилган мазкур автомобиль кичик ҳажмли юкларни ташинда жуда қўл келиши билан ажралиб туради. Ушбу транспорт воситаси қисқа фурсатда "Damas" ва "Orlando" русумидаги автомобилларни ишлаб чиқаришни ўзлаштирган "Хоразм авто" заводининг навбатдаги муваффақиятли лойиҳаси бўлди.

"Nexia"ни мамлакатимиз автомобилсозлигининг энг муваффақиятли лойиҳаларидан бири сифатида кўрсатиш мумкин. Маълумотларга кўра, мазкур русумнинг биринчи ва иккинчи авлоддан мамлакатимизнинг ўзида бир миллиондан зиёдроғи сотилган. Жорий йилнинг 27 май куни мамлакатимиз автомобилсозлари жамоатчилигида "Nexia"нинг учинчи авлодини тақдим этди. Ушбу машина нафақат дизайн, балки двигател имкониятлари, хавфсизлиги ва қулайлиги янада оширилган бутунлай янги автомобилдир.

Мустақиллигимизнинг 25 йиллигига муносиб туҳфа бўлган мазкур автомашинани "GM Uzbekistan" заводларидан чиқаётган ўн биринчи модель бўлди.

Мамлакатимиз автомобиллари нафақат маҳаллий, балки хорижий бозорларда ҳам ўз ўрнини топди. Замонавий дизайн ва техник имкониятлари билан истеъмолчилари ишончини қозонган автомобилларимизни бугунги кунда дунёнинг кўплаб мамла-

катларида учратиш мумкин.

Маҳаллийлаштириш дастури самаралари

Маҳаллийлаштириш автомобилсозликни ривожлантириш ва унинг ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишнинг устувор йўналишларидан биридир. Бу иқтисодий таркибни изчил ва барқарор ривожлантириш, янги иш ўринлари ташкил этиш, ишлаб чиқаришга замонавий, самарали технологияларни жорий этишни жадаллаштириш имконини беради. Энг муҳими, маҳаллий хомашў ва ишлаб чиқариш ресурсларидан кенгроқ фойдаланиш, рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлашни рағбатлантириш ва бутловчи қисмлар импортини қисқартириш ҳисобига валютани тежашга хизмат қилади.

Бугун мамлакатимизда бамперлар, автоэмаллар, герметиклар, sanoat бўёқлари, тутун чиқаргичлар, ёнилги баклари, ёнилги насослари, автомобиль ойналари ва ўриндиқлари, аккумуляторлар, электр ўтказгичлар учун жугтлар, автомобиль салонининг ички қоплаш қисмлари, ташки ёритиш воситалари, ёнилги мойи ва ҳаво филтёрлари, капсулаланган ойналар, генераторлар ҳамда компрессорлар, гилдирак дисклари, шунингдек, шасси узеллари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи кўплаб корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Дастлабки йилларда "Ўз-ДонгЖу", "Ўз-ДонгВон", "Ўз-ТонгХонг", "Ўз-СэМюнг" каби ўнга яқин қўшма корхона ташкил этилган бўлса, ҳозирги пайтда "Ўзавтосаноат" АК таркибиде 35 дан ортиқ йирик ишлаб чиқариш субъектлари фаолият кўрсатапти.

2011 йилда "General Motors" компанияси билан ҳамкорликда двигателлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "General Motors Powertrain Uzbekistan" қўшма корхонаси фаолияти йўлга қўйилгани алоҳида таъкидлаш жоиз.

/Давоми 11-бетда/

Инсон ҳаётини сувсиз тасаввур қилиш қийин. Оддий рўзгор юмушдан тортиб, табиат дунёси дейсизми, йирик ишлаб чиқариш масканлари, барчаси ушбу табиий неъматдан фойдаланишни барчамизга маълум.

Бирок, дунёда абадий нарсанин ўзи бўлмаганидек, ана шундай беминнат сувимизнинг ҳам ўзига яраша ҳисоби борлигини кўпинча унутиб қўямиз. Назаримизда, уни ҳар қанча ишлатсак-да, тугамайдиғандек бўлиб кўринади.

Тамагир сувчилар

Халқимизда "Сув — зар, сувчи — заргар" деган ҳикматли гап бор. Бу сувни етказиб берувчи масъул кишининг халқ орасида ҳар вақт ҳам улуғлиниб келинганлигига бир мисол десак, янглишмаймиз.

Аслида сув етказиб берувчи таъминотчи муассасалар ва истеъмолчи ўртасидаги муносабатлар тегишли норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади. Аммо афсус-

Отабек РУЗИЕВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛҚК департаментининг бўлим катта инспектори

ки, айрим мансабдор шахслар сув етказиб бериш ҳақида тузилган шартномаларга амал қилмасдан, сув бериш эвазига тамагирлик йўлини тутаётганликлари ҳам кечирилмас ҳолди.

Бош прокуратура ҳузурида-

ги СВОЖДЛҚК департаментининг Жиззах вилоят бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда ана шундай нафс домига тушган шахсларнинг жиноий қилмиши фош этилди. Маълум бўлишича, Пахтакор туманидаги "Пасткибулок" сув истеъмолчилари уюشمаси ҳудудидаги тадбиркор Мансур Тожиёвага қарашли ер майдонидоги қишлоқ ҳўжалиги экинларини суғориш учун "Ховос-Зомин" ирригация тизими бошқармасига қарашли "ДМ-1" канали орқали сув етказиб бўйича тегишли тартибда шартнома тузилган бўлиб,

Жиззах вилояти "Сувназорат" инспекцияси мансабдор шахслари Қобил Ўсаров (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ва Вали Бойматов бундан "унумли" фойдаланиш пайига тушадилар.

Қ.Ўсаров шартномада кўрсатилган мажбуриятини бажармасдан, сув йўлини ёпиб, тамагирлик йўли билан В.Бойматов орқали тадбиркордан 200 минг сўм пулни пора тариқасида олади.

Мазкур ҳолат бўйича жиноят иши кўзга тушиб, суд томонидан қонунбузарларга нисбатан тегишли жазо тайинланди.

Айримлар ҳамма нарса ўз-ўзидан муҳайё бўлаверса, ўзи эса бели буқилмаган пуллари санаб олиб, истагани сарфласанг, меҳнат қилмасанг, машаққат чекмасанг, деган ҳаёлга берилади. Бироқ бундайлар ўйлашмайдики, ҳаром луқма ҳеч қачон ош бўлмайди. Тўғри, ён-атрофида кимнингдир қинғир йўллар билан даромад топиб, бойиб кетганини кўриб, унга ҳавас қилади-ганлар топилади. "Мана, унга ҳеч нарса қилмади-ку! Мен ҳам шундай йўллар билан пул топаман", дея ундан ибрат олаётганлар ҳам йўқ эмас. Аммо ноқонуний даромад қилувчилар ҳам, уларга ўхшашига уринади-ганлар ҳам қаттиқ алашадилар. Кўза кунда эмас, кунда синади. Қинғир ишининг қийғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади. Бунга мисоллар кам эмас.

Нима бўлди, мудира опа?

Комилжон РОЗУМБЕТОВ,
СВОЖДЛҚК департаментининг Хонка туман бўлими бошлиғи

Хонка туманидаги мактабгача таълим муассасаларидан бирига ўн уч йил давомда мудиралик қилиб келган Сабо Ҳозова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ушбу лавозимга даромад сифатида қараб келди. У кўпни кўрган инсонлар бот-бот такрорлайдиган "Болаларнинг ризқига хиёнат қилмаслик керак. Бола тарбияланадиган жой ҳар доим тоза-покиза бўлиши лозим", деган фикрларни эшитганми, ёки мағзини чақмаган, шекилли, ҳалолликни ўзига шior қилмади. Показалик деганда, халқимиз нафақат саранжом-сарилталликни, балки маънавий муҳит тозаллигини ҳам назарда тутди. Фикру ҳаёли даромадга бўлган мудира муассасада барқарор маънавий муҳитни юзага келтири олиши мумкинми? Мактабгача таълим муассасаси тадбиркорлик субъекти эмаски, бу ерда фойда кўриш бош мақсад бўлса?

Қаҳрамонимиз, ҳойнаҳой, "қаловини топсанг, қор ҳам ёнади" деганда, болалар тарбияланадиган муқаддас даргоҳни даромад манбаига айлантиришни тушунган бўлса керак?! Йўқса, 2012-2015 йиллар давомда муассасада ишламайдиган 4 нафар ходимнинг номига ойлик маош ёзиб олиб келган мудира бу қилмиши пешона тери эвазига иш ҳақи олаётган жамоадошларига ёқмаслиги мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўрган бўларди-ку?!

Афсуски, бунга қаноат қилмаган мудира болалар ризқи бўлган озиқ-овқатдан ўмаридан ҳам тап тортмади. Кейин ўйлаб қараса, даромад қилишнинг энг яхши усули муассасада тарбияланаётган болалар сонини ҳужжатларда кам қилиб кўрсатиш экан. Тезда ишга киришди. Айтилик, 2015 йил сентябрь ойида боғчада 201 нафар бола тарбиялангани ҳолда, уларнинг сони ҳужжатда 169 нафар, деб қайд қилинди. Қарабсизки, 32 нафар боланинг ота-оналар бадал пули кассага кириб қилинмасдан, чўнтакка жойлаб қўйила қолди. Октябрь ойида 25 нафар, ноябрь ойида 38 нафар боланинг бадал пуллари "туя кўрдингми, йўқ" қабилида ўзлаштирилди.

Ташкилот томонидан солиқ ва унга тенглаштирилган тўловларнинг вақтида тўланмаслиги, ҳисоботлар ўз муддатда топширилмаслиги оқибатида юзага келган пенялар бюджет маблағлари ҳисобига қопланиб келинди.

Текширишда мудира 37 млн. 795 минг сўм миқдоридоги бюджет маблағини ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-торож қилганлиги маълум бўлди.

С.Ҳозовага суд ҳукми билан энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдоридога жазима жазоси қўлланилди. Бу кам маблағ эмас. Устига-устак, таржимаи ҳолига судланган, деган тамга битилди. Нафақа ёшига етай деб турган аёлнинг эл-юрт олдида юзи шувут бўлди.

Мудира опанинг боши эгик, бармоғини ташлаб ўтирибди. "Нима бўлди?" деб сўрасангиз, "Ҳато қилдим, адашдим, нафсимга эрк бердим", дея пушаймонлик билдиради. Аммо, сўнгги пушаймон ўзинга душман.



Фуқаро Т.Бухоровнинг аризасига асосан СВОЖДЛҚК департаментининг Қашқадарё вилоят бошқармаси билан ҳўқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар ходимлари ҳамкорлигига ўтказилган тезкор тадбирда бир фирибгарнинг жиноий фаолиятига чек қўйилди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси вилоят кенгашининг бош ҳисобчиси Қ.Бердиев ўз хизмат

«Ўққишга киритиб қўяман», деб...

Жасур БАХТИЕВ,
СВОЖДЛҚК департаментининг Қашқадарё вилоят бошқармаси Матбуот гуруҳи катта инспектори

хонасида фуқаро Т.Бухоровдан 3 минг АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан олган пайтда ашёвий далил билан ушланди. Маълум бўлишича, Қ.Бердиев шу пул эвазига Т.Бухоровни Қарши муҳандислик-иктисодиёт институтининг нефть ва газ йўналишидаги факультетга ўққишга киритиб қўйишни ваъда қилган. Мазкур ҳолат юзасидан Қ.Бердиевга жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг ҳукми билан тегишли жазо тайинланди.

Соғлом рақобатни четлаб...

Юртимизда тадбиркорларга шундай кенг имкониятлар яратилганки, уларни изоҳлашга ҳожаёт бўлмас керак. Бироқ, бу касбни танаб, фаолият олиб бораётган айрим фуқаролар, афсуски, соҳага тегишли қонунарга энг равишда, соғлом рақобатни четлаб ўтиб, ноҳўя ишга қўл урадилар.

Тўлқин ПАРПИЕВ,
СВОЖДЛҚК департаментининг Сидрабё вилоят бошқармаси Матбуот гуруҳи катта инспектори

Ана шундай, ўз нафсининг измига юриб, қилмишининг натижасини вақтида ўйламаган фуқаро Равшан Ҳасанов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) бу ҳақиқатни кеч англаб етди.

Тезкор ходимлар томонидан ўтказилган тадбирда Р.Ҳасанов ўзига тегишли хонадонларнинг бирида яширин цех ташкил этиб, газ ва электр энергиясига қонунга хилоф равишда улаиб, ер-ёнғокни қовуриш жараёнини ташкил этиб келгани аниқланди. У бу маҳсулотни бозордан арзон-ғаров сотиб олиб, қўлбала

тарзда ясалган ускуналардан фойдаланган ҳолда, санитария меъёрларига умуман тўғри келмайдиган шaroитда, қолаверса, техник қондаларга ҳам риоя қилмаган тарзда сифатсиз маҳсулот тайёрлаган. Текширув якунида Р.Ҳасановга тегишли 6 млн. сўмликка яқин товар-моддий бойликлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Қинғир иш — келтирар ташвиш, деганлари шу бўлса керак. Устамон тадбиркор содир этган қилмиши учун қонун олдида жавоб беришга мажбур бўлди.



Тадбир

Тадбиркорга мададқормиз

Мамлакатимиз иқтисодий тараққиётига ўзига хос улуш қўшаётган тадбиркорлик ҳаракати йил сайин янада ривожланиб, халқимиз турмушининг фаровон бўлишига ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу боис, хусусий сектор вакиллари фаолияти эркинлигини таъминлаш, уларнинг ҳўқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бугуннинг энг муҳим масаласига айланган.

Нилуфар АҲМЕДОВА,
СВОЖДЛҚК департаментининг Бўхоро вилоят бошқармаси бўлим инспектори

Бўхоро вилоят прокуратураси ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти вилоят бошқармаси ҳамкорлигида Ғиждувон туманида фаолият олиб бораётган тадбиркорлар билан очик мулоқот бўлиб ўтди. Унда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига давлат томонидан яратилаётган имкониятлар, солик имтиёзлари ҳамда қонунчилик тизимига киритилган ўзгаришлар ҳусусида атрофлича маълумот бериб ўтилди.

2016 йилнинг ўтган даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорлик фаолиятидаги муаммоларни аниқлаб бартараф этиш ва амалий ёрдам кўрсатиш юзасидан белгиланган чора-тадбирларни тўлиқ бажаришда нафа-

қат ҳўқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, балки маҳаллий ҳокимликлар, меҳнат бошқармаси, Савдо-саноат палатаси, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳамжихатлиқдаги фаолияти муҳим аҳамият касб этди.

Шунингдек, йиғилишда аҳоли бандлигини таъминлаш, хусусан, коллеж битирувчиларини мутахассислигига кўра ишга жойлаштириш, тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган ёшларга имтиёзли кредитлар ажратишда амалий ёрдам кўрсатиш бўйича тавсия ва тақлифлар билдирилди.

Мутахассислар томонидан хорижий инвестиция ёрдамида келтирилган замонавий технологияларнинг ишлаш механизми ҳақида слайдлар орқали ўтказилган маҳорат сабоғи тадбиркорларда катта қизиқиш уйғотди.

Азалдан ҳўнарманд-у қосиблар, ишбилармон ва тадбиркорлар маскани бўлган Ғиждувонда бугунги кунда ҳалол меҳнат билан бахт топган юзлаб тадбиркорлар фаолияти ибратга лойик. Тадбирда катта тажрибага эга тадбиркорлар ўз фаолиятларидаги ютуқлар ҳақидаги мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.



Бола ҳуқуқлари — қонун ҳимоясида

Мамлакатимизда бола ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, фарзандларимизнинг қонуний манфаатларини муҳофаза этиш, бир сўз билан айтганда, баркамол авлоднинг тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасида эканлиги барчамизга маълум. Бу борада Юртбошимизнинг "Ҳар бир оқил инсоннинг ва жамиятимизнинг муқаддас вазифаси, айтиш мумкинки, ҳаётининг маъноси қобил фарзандлар ўстириш, уларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан мукамал қилиб тарбиялаш, камолини кўриш, ота-онасига, Ватанига садоқатли кишилар этиб вояга етказишдан иборатдир", деган гаплари бежиз эмас.

Мустақилликнинг дастлабки йиллари, Конституциямиз қабул қилинган куннинг эртаси кун юртимиз ҳаётида яна бир муҳим воқеа эси берди. Яъни 1992 йилнинг 9 декабрь кун мамлакатимиз Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга аъзо бўлди. Шунинг таъкидлаш жоизки, бу борада, халқаро-ҳуқуқий нормаларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш йўлида мамлакатимизда қатор сайё-ҳаракатлар амалга оширилган. Амалдаги қонунчиликда болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига, шунингдек, уларнинг ҳимоясига алоҳида эътибор берилган.

Маълумки, бола ҳуқуқлари соҳасида қонунчиликнинг асосини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ташкил этади. Унга мувофиқ, бола туғилиши биланроқ унинг ҳуқуқ ва эркинликлари вужудга келади ҳамда у давлат томонидан қафолатланади.

Болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қонунчилик Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга мувофиқ ҳолда такомиллаштиришга йўналтирилган.

2008 йил 7 январда "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Қонуннинг мақсади бола ҳуқуқларининг кафолатлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир. Мазкур Қонунда "бола", "боланинг қонуний вакиллари", "васийлик ва ҳомийлик", "етим бола", "жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган бола", "ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар", "ногирон бола", "отанинг ўрнини босувчи шахслар", "ўта-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола" тушунчалари, шунингдек, бола ҳуқуқларининг асосий кафолатлари ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ҳуқуқларининг қўшимча кафолатлари кўрсатиб ўтилган.

Ушбу ҳуқуқий ҳужжатнинг қабул қилиниши ўсиб келаётган

авлодга кўрсатиладиган ғамхўрликнинг, шунингдек улар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг амалга оширилиши янги даражага кўтарилишига замин яратди.

Фарзандларнинг яшаши, камол топиши учун оила бирдан-бир макон ва табиий муҳит эканлиги барчамизга аён. Шу боис ҳам Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 2-моддасига асосан, бола туғилган ва яшаб турган оилга унинг фаровон ҳаёт кечирishi ва камолга етиши ҳақида ғамхўрлик қилиш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш вазифаси юклатиладики, ота-оналар болаларни Ватанига содиқ, меҳнатсевар, ишбилармон ва жамият қурилишининг фаол иштирокчилари қилиб тарбиялашлари лозим. Бу жиҳатдан қаралганда, ҳуқуқий нормаларни билиш, давлат ва унинг қонунларини ҳурмат қилиш ҳам муҳим роль ўйнайди.

Ҳуқуқий нормалар ёш авлоднинг меҳнатга тўғри муносабатда бўлиш, давлат ва жамият олдидаги ўз бурчларини тўғри тушуниш ва уни оғишмай амалга ошириш руҳида тарбиялади. Жумладан, ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг болаларига таълим-тарбия беришга оид ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва масъулиятлари 1997 йил 29 августда қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ҳам белгилаб берилган.

"Вояга етмаган болаларнинг ота-оналари ёки қонуний вакиллари, — дейилади Қонуннинг 30-моддасида. — боланинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишлари шарт ҳамда уларнинг тарбияси, мактабга, умумий ўрта, ўрта махсус касб-хунар таълими олишлари учун жавобгардирлар".

Ота-онаси тарбиясидан маҳрум бўлган вояга етмаган болаларнинг оилада тарбиялаш ҳуқуқини таъминлаш вазифаси ва ҳомийлик органлари зиммасига юкланади. Воя-

Адҳамхужа ИСМАИЛОВ,
Косонсой туман прокурорининг
ёрдамчиси

га етмаган болаларни фарзандликка, оилга тарбияга беришлари уларнинг оилада тарбияланиш ҳуқуқидан фойдаланишларини таъминлайди. Айтиш жоизки, ҳуқуқий тарбияни амалга ошириш, ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга хизмат қилади.

Бола дунёга келгач, оила, боғча, мактаб ва маҳалла кучида яшайди, вояга етади ва табиийки тарбия ҳам олади. Демак, оила, боғча, мактаб, маҳалла ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини яратиш боланинг ҳуқуқий билими ва савиясининг ошишига ҳам ёрдам беради. Ёшларга ҳуқуқий тарбия бериш шахсининг тўғри ўсиб-ўлғайишини таъминлайди, уни бурч ва вазифаларни билиб олишга, қонунларга ҳурмат билан қарашга ўргатади. Болаларга ҳуқуқий тарбия бериш биров қийин ва айни пайтда масъулиятли ҳамдир.

Республикамизда болаларга ғамхўрлик, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимояси билан нафақат давлат тузилмалари, балки кўплаб нодавлат нотижуран ташкилотлари ҳам шуғулланмоқда. Масалан, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Соғлом авлод учун" ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси, "Сен ёлғиз эмассан" Республика болалар жамоатчилиги жамғармаси, Республика болаларни ижтимоий мослаштириш маркази каби бир қанча тузилмалар шулар жумласидандир.

Бу эса, ўз навбатида, муштахкам пойдевор асосига қурилган, маънавий кадрлар устун турувчи муштахкам Ўзбекистоннинг ривожланишини таъминлайди. Шу ўринда Юртбошимизнинг "Бизнинг келагачимиз, ишончимиз, мадда таъинчимиз — бу ўсиб келаётган ёш авлодлардир. Мен ўзим тақдиримни ҳам, мамлакатимиз ва муштахкамимиз тақдирини ҳам келагачимиз ҳам ана шу ёшлар қиёфасида, уларнинг пок қалби, эркин тафаккури, муштахкам иродаси ва дунёқарашидега кўраман", деган гаплари алоҳида аҳамият касб этади.

Шундан келиб чиқиб, ҳуқуқ қилиш мумкинки, буюк келажак эгалари бўлган юртимиз ёшларини баркамол шахс қилиб тарбиялаш ҳар биримизнинг шарафли бурчимизга айланмоғи лозим.

Мурожаат қилиш ҳуқуқининг қонуний кафолатлари янада такомиллаштирилди

Сухроб ҚУРБОНОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Сурхондар вилоят бошқармаси Матбуот гуруҳи катта инспектори

Муштахкам йилларида мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Энг муҳими, бу борада муштахкам ҳуқуқий база яратилгани амалда қўтилган самараларни бермоқда. Шу маънода, "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун фуқароларнинг давлат органларига мурожаат этиши тартибини янада такомиллаштириш, юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги ҳуқуқий бўшлиқни тўлдирish, ушбу соҳадаги қонун бузилиши ҳолатлари учун жавобгарликни белгилаш, шунингдек, давлат органларига, мансабдор шахсларга мурожаат қилиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган. Ушбу янги қонун 5 та боб, 31 та моддан иборат.

Айтиш керакки, унинг 2-моддасида ушбу қонуннинг амал қилиш тартиби, яъни кўриб чиқиш тартиби маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, фуқаролик-процессуал, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия, ҳўжалик-процессуал қонун ҳужжатлари ва бошқа қонунлар билан белгиланган мурожаатларга нисбатан татбиқ этилмаслиги белгилаб қўйилди. Чунки маъмурий жавобгарлик, фуқаролик-процессуал, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия, ҳўжалик-процессуал қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Бундан ташқари, ушбу қонун давлат органлари ва уларнинг таркибий бўлинмалари билан ўзаро ёзишмаларига нисбатан ҳам татбиқ этилмайди.

Шунингдек, қонунда мурожаатларнинг шакллари, турлари, уларга нисбатан қўйиладиган талаблар, бу борада оммавий ахборот воситаларининг ўрни, жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш тартиби белгиланган. Мурожаат этиш ҳуқуқларининг кафолатлари, мурожаатларни бериш ва уларни кўриб чиқиш муддатлари, мурожаатларни кўрмай қолдириш асослари, мурожаатларни кўриб чиқишда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда давлат органларининг мажбуриятлари қайд этилган. Мурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликка оид қоидалар ҳам ушбу янги қонунда ўзининг аниқ ифодасини топган.

Шу ўринда газетонда ҳақли савол туғилиши мумкин: ушбу қонуннинг аввалги — "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонундан қандай фарқли жиҳатлари бор?

Бу саволга жавобан шуни айтиш керакки, "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуннинг ҳуқуқий тартибга солиш предмети фақатгина фуқароларнинг мурожаатлари ташкил этгани ҳолда, юридик шахсларнинг давлат органларига мурожаатларини кўриб чиқиш қамраб олинмаган эди. Шу маънода, "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун бу борадаги ҳуқуқий бўшлиқни тўлдирish, умуман олганда, фуқароларнинг давлат органларига мурожаатлари тартибини янада такомиллаштириш мақсадида қабул қилинди.

Демак, ушбу қонун билан, биринчидан, юридик шахсларнинг давлат органлари ва муассасаларига мурожаатлари ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиноқда. Халқаро тажриба ҳамда хорижий мамлакатларнинг ушбу йўналишдаги амалиётини ўрганиши шуни кўрсатадики, Германия, Канада, Норвегия, АКШ, Швейцария давлатларида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиши тартибга солувчи махсус қонун ҳужжатлари қабул қилинган.

Иккинчидан, мурожаатнинг шакли сифатида электрон мурожаатни ахборот-коммуникация технологиялари воситасида бериш ҳуқуқий жиҳатдан муштахкамлаб қўйилди.

Учинчидан, қонунда жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш жадаллари ва уни ўтказиш вақти, жойи ҳамда қабулга олиндиҳан ёзилиш тўғрисидаги ахборот, шунингдек, қабул қилиш тартибини давлат органларининг расмий веб-сайтларида эълон қилиш, уларнинг маъмурий биносида ҳамма кириши мумкин бўлган жойлардаги стендларга ёки бошқа техник воситаларга жойлаштириш орқали манфаатдор шахслар эътиборига етказиш белгилаб қўйилди.

Тўртинчидан, давлат органларининг шахсий қабулни ўтказувчи раҳбарлари ёки бошқа ваколатли шахслари ҳар қандай масалалар, шу жумладан, ўз ваколатига кирмайдиган масалалар бўйича мурожаат этилганда қабулни рад этишга ҳақли эмас, ушбу қонуннинг 8-моддаси, 5-қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Бешинчидан, янги қонунда шахсий қабул давомида давлат органларининг раҳбари қарорига кўра ҳамда мурожаат этувчининг ёзма розилиги билан аудио ва видео ёзув, шунингдек, фотосурат олиш имконини берадиган махсус техника воситалари қўлланилиши, давлат органларининг раҳбарлари ёки бошқа ваколатли шахслари томонидан сайёр шахсий қабуллар ташкил этилиши белгилаб қўйилди.

/Давоми 9-бетда/

Қарз муносабатларининг иштирокчилари нафақат юридик шахслар, балки жисмоний шахслар ҳам бўлиши мумкин. Шу ўринда фуқароларнинг қарз муносабатлари ва улар замирида вужудга келаётган муаммолар, уларнинг ечими хусусида тўхталиб ўтиш баъзи низола ечимини топишга хизмат қилади.

Қарз мажбуриятлари тегишли қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади

Шаҳноза УМАРОВА,
Бош прокуратура бўлим катта прокурори

Фуқаролар ўртасида тузиладиган ҳар қандай кўринишдаги пул олди-бердиси нотариал тартибда тасдиқланган ёки ёзма равишда тузилган битим асосида расмийлаштирилган бўлиши шарт.

Қарз муносабатларининг асосида қарз берувчида қарз бериш, қарз олувчида эса олинган қарзни белгиланган муддатда ва шартларда қайтариш мажбурияти ётади. Баъзан фуқаролар ўртасида қарз муносабатлари тилхат билан ёки нотариал тартибда расмийлаштирилмасдан ўзаро келишув ва ишончга асосланади. Лекин қарз олувчи келишилган муддатда қарзни қайтармас, қарз берувчи шу вақт билан судга мурожаат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 57-моддасига асосан судда ҳар бир тараф ўзининг талаблари ва эътирозларига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни исботлаши шарт. Судда ишни кўришда даъвогарнинг жавобгарга қарз берганини тасдиқловчи далилларни тақдим эта олмаганлиги ва жавобгар ундан қарз олганлигини судда тан олмаганлиги даъвои рад этиш учун асос бўлади.

Яна шуни қайд этиш керакки, қарз олувчи баъзи ҳолларда олган қарзини қарз берувчига қайтарганлигини кўрсатса, қарз берган тараф уни олмаганлиги учун ундиришни сўрайди. Қарз шартномаси тарафлар ўртасида қандай тартибда тузилган бўлса, уни бекор қилиш ёки ўзгартириш тартиби ҳам шу асосда расмийлаштирилган бўлиши шарт. Бу каби низола келиб чиққан тақдирда тарафлар ўзлари келтирган вақт эътирозларни тасдиқланган тилхат ёки ёзма ва нотариал тасдиқланган ҳужжатлар орқали далиллашлари шарт.

Айрим ҳолларда қарз олувчи ёки берувчи белгиланган мажбуриятлар бажарилганлигини қалбақлаштирилган тилхат ёки бошқа ҳужжатлар ёрдамида тасдиқлашга ҳаракат қилади. Тан олинмаган ушбу ҳужжатларнинг қалбақлиги текшириш ва иш бўйича олинган экспертиза ҳулосалари орқали тасдиқланганида бу ҳужжатлар ишончга сазовор бўлмаган далил сифатида эътироз этилади ва шахсни Жиноят кодексининг 13-илли моддаси билан жиноий жавобгарликка тортишга асос бўлади.

Бундан ташқари, айрим ҳолларда қарз олувчи олинган қарз эвазига уй-жойни қарз берувчига нотариал тартибда олди-сотди шартномаси орқали расмийлаштириб бериб қўйганлигини, аслида уйини сотиш нияти бўлмаганлигини, қарзни қайтара олмаганлиги учун қарз берувчи қарз олувчини оила аъзолари билан биргаликда уй-жойдан мажбурий тартибда чиқаришни сўраб судга берганлигини кўрсатиб, улар ўртасида тузилган уй-жойнинг олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни сўрайди. Масалан, Бош прокуратура томонидан фуқаро Х.Калоннинг мурожаати асосан келтирилган протестга кўра, Х.Калоннинг келини С.Хасанова И.Умаровнинг турмуш ўртоғи М.Ибрагимовадан олган 103 млн. сўм қарзи эвазига уй-жойни гаров сифатида қўйиб, олди-сотди шартномаси расмийлаштирилганлиги сабабли бу битим алдаш ва кўзбўямачилик асосида тузилганлигига баҳо берилмасдан қарор қабул қилинганлиги учун Наманган вилоят суди апелляция инстанциясининг 2013 йил 18 октябрдаги ажримини бекор қилиб, ишни янгидан шу инстанция судида кўриш учун юборилган. Олий суд томонидан протест қаноатлан-тирилган.

Зеро, тузиладиган олди-сотди шартномасининг мақсади мулкни сотишга ва сотиб олишга қаратилган. Бу битим қайсибир битимни никоҳлаш асосида тузилганида у ўз-ўзиндан ҳақиқий бўлмаган битим ҳисобланиб, Фуқаролик кодексининг 116-моддасига асосан ҳақиқий эмас деб топишга асос бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги "Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги 7-сонли қарорининг 13-бандида қарз шартномасидан келиб чиққан мажбурият, пул мажбурияти бўлиб, уни бажармаганлик учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 327-моддасида белгиланганлиги сабабли қарз олувчининг шартнома бўйича мажбуриятни бузганлиги қарз берувчининг маънавий зарарни қоплаш ҳуқуқини истисно этади, деб тушунириш берилган бўлиб, қарз берувчининг қарз олувчи қарзни белгиланган муддатда қайтармаганлиги учун маънавий зарарни ундириш ҳақидаги талабини рад этишга асос бўлади.

Ўтуқлар халқимизни руҳлантирмоқда



Ватанимиз истиқлолга эришганидан сўнг ўтган 25 йил халқимиз учун мустақил тараққиёт йўлидан қатъий бориш, кенг кўламли ишларни амалга ошириш, миллий давлатчилигимиз асосларини тиклаш даври бўлди. Буни истиқлол насимларидан баҳраманд бўлиб яшаб, бор куч-маҳоратини юртнинг янада раванқ топишига сарф этаётган тўрақўргонликлар мисолида ҳам кўриш мумкин.



Тўрақўргон ҳақида гап кетганда, бир рақамни айтиб ўтиш лозимдай: мамлакат миқёсида олиб қаралганда, фақат шу заминда кўш қаҳрамон етишиб чиққан — Халчхон Мирзаева ва Абдурайим Ҳомидов. Фермерлик ҳаракатининг илғорлари сифатида ҳукуматимизнинг олий мукофоти — "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвонига сазовор бўлган бу инсонларнинг издошлари эса туманда кун сайин кўйаюпти.

Қулай иқлим иқтисодиётнинг аграр тармоғи, соғломлаштириш муассасалари ҳамда саёхатчиллиги ривожлантиришга кенг имкониятлар яратади. Шунингдек, сифатли кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш саноятини ривожлантириш имконини вужудга келтиради. Қадимий Аҳсиқендан қазиб олинган ноёб топилмалар эса минг-минг йиллар аввал ҳам бу ҳудудда аждодларимизнинг юксак маданияти ривож топганидан далолатдир. Бу бебаҳо мерослар вақти келиб Тўрақўргоннинг сайёҳлик масканига айлинишидан дарақдир.

Кишлоқ хўжалиги туман иқтисодиётининг етакчи соҳаларидан ҳисобланган ва шу боис ҳам экспортнинг салмоқли қисми айнан мазкур соҳа ҳисобига амалга оширилмоқда. 2015 йил якуни билан туманда кишлоқ хўжалигида 263,9 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ёки янги маҳсулот ҳажми 2014 йилга нисбатан 105,3 фоизга ўсди. Давлатга 16,3 минг тонна галла, 20,8 минг тонна пахта етказиб берилди. Шунингдек, 13,4 минг тонна картошка, 48,4 минг тонна сабзавот, 5,2 минг тонна полиз, 16,2 минг тонна гўшт, 49,9 минг тонна жун ишлаб чиқарилди.

Янги ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 177,6 млрд. сўмлик деҳқон хўжалиқларида, 86,4 млрд. сўми эса фермер хўжалиқлари ва кишлоқ хўжалиги корхоналари улushiга тўри келди.

Ҳозирда туманда қорвачиликка иxtисослашган 14 та фермер хўжалиги фаолият юритмоқда. Ўтган йили қорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва асаларчиликни ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурлар доирасида жами 31 та, фермер хўжалиги ташкил этилиб, 175 та янги иш ўрни яратилди.

Уста деҳқон-убогбон, хунарманд-у тадбиркорлар юрти ҳисобланмиш Тўрақўргоннинг

ҳар бир қишлоғи турли мевалар етиштиришга иxtисослашган. Бурамаутда гилос, Хўжанда узум, Аҳсида кулпнай, шунингдек, туман заминда хурмонинг шундай сархил навлари етиштириладики, доврўғи қўшни вилоятлардан тортиб, республикаларга ҳам етиб борган. Ёки хўжандлик уста богбон, муҳтарам Президентимиз кўларидан энгил автомашина калитини олган Абдуҷаббор ота Юсуповнинг фарзандлари ҳозирда узумчилик борасида ўз мактабларини яратилган.

Каримберди Ғиёсов ҳам 2006 йили 3 гектардан ошқироқ тошлоқ ерда бог ташкил қилиш ташаббуси билан чиққанди. Ҳозирда у раҳбарлик қилаётган "Тўрақўргон соҳибкорлари" агрофирмаси худудидидаги "Қумидон диёри" фермер хўжалиги аъзолари 6,13 гектар ердаги майдонда ўрикзор бунёд этишган. Улар жорий йилда 40 тонна ҳосил кўтариш ниятида. Маҳсулотнинг асосий қисми "Наманган консерва маҳсулотлари" ҳамда "Голден Фрукт" корхоналарига етказиб берилди, шунингдек, маҳаллий бозорларга ҳам чиқарилади. Президентимизнинг шу йил 12 апрелдаги "Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори соҳа кишилари фаолиятини янада ривожлантиришга дастуриламал бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз. Шундан келиб чиқиб, яқин йилларда улар етиштираётган маҳсулотларни ўзлари қайта ишлаб, экспорт қилиш имконини берадиган технологияларни жорий этиш ниятидалар.

Ўтган йили туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида саноят, хизмат кўрсатиш ва кишлоқ хўжалиги соҳаларида 130 та лойиҳага барча манбалар ҳисобидан 23,2 млрд. сўм маблағ сарфланиб, 693 та янги иш ўрни яратилди. Амалга оширилган лойиҳаларга тижорат банклари томонидан 12,7 млрд. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди. Жумладан, "Мохинур — бахт тисоли" МЧЖ томонидан қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш, "Хайрулло савдо сервис" МЧЖ томонидан сут маҳсулотларини қайта ишлаш, "Ўли шодӣна" МЧЖ томонидан умумий овқатланиш, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш ташкил этилган бўлса, "К.Мадумаров" ва

Абдулатиб САЛИЕВ,
Тўрақўргон туман прокурори

"Абдуқодир ота набираси До-ниёр" фермер хўжалиқлари томонидан четдан насли қорамол олиб келиб боқиш йўлга қўйилди.

Тўрақўргон заминда бунёд этилаётган ва бутун Фарғона водийсини электр энергияси билан таъминлаш қувватига эга бўлган иссиқлик электр станциясининг фойдаланишга топширилишини халқимиз интиқлик билан кутмоқда. Келгуси йилда биринчи навбати битказилиши кутилаётган мазкур объект фаолият кўрсата бошлаши билан иқтисодиётнинг янада ривож топишида алоҳида аҳамият касб этишини-ю, кўплаб янги иш ўринлари яратилишини ҳамма бирдай англайди, албатта. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 ноябрдаги "2016-2019 йилларда Наманган вилояти санвати салоҳиятини ривожлантириш Дастури тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, туманда умумий қиймати 2,2 млрд. долларлик 28 та инвестиция лойиҳаси ишлаб чиқилди. Улар амалга оширилиши билан 2496 та янги иш ўрни яратилади.

Истиқлол йилларида туманнинг 6 та худудидида 500 дан ортиқ намунавий лойиҳадаги уй-жойлар барпо этилди. Ҳозирда эса "Тўрақўргон-Мингбулоқ" автомобиль йўлининг 18 километрини кенгайтириш ва йўлнинг ҳар икки томонида 342 та намунавий лойиҳадаги уй-жой қуриш ишлари жадал олиб борилмоқда. Шунингдек, 202 та турар жой ва 58 та объектнинг ташки қиёфаси замонавийлаштирилмоқда. Ҳозиргача 189 та турар жой ва 52 та объект лойиҳа асосида тўлиқ таъмирдан чиқарилди.

Туманда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка ҳам кенг йўл очиб берилгани натижасида туман иқтисодиёти тармоқлари бўйича соҳа улиши тобора ортиб бормоқда. 2015 йил давомида туманда фаолият юритаётган кичик бизнес субъектларида жами бўлиб 19,6 млрд. сўм кредит маблағлари берилди.

Туманда "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурига оид устувор вазифалар ҳам ўз ичросини топмоқда. Булар асосан, соғлом турмуш тарзини яратишга янада эътибор бериб, оналар ва болалар соғлигини асраш, ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, моддий ва маънавий жиҳатдан қўмақ бериш орқали соғлом миллатни шакллантиришга қаратилган тизимли тадбирлардир.

Президентимиз раҳнамолигида турли соҳаларда узокни кўзлаб амалга оширилаётган ислохотлар натижасида Тўрақўргоннинг ҳам иқтисодий қудрати мустаҳкамланиб, халқ фаровонлиги ортмоқда. Буни шунингдек, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, спорт тизимларида ҳам кўриш мумкин. Ҳар бир жаҳада эришилаётган муваффақиятлар эса туман ахлини янада катта зафарларга, улкан ижобий ўзгаришларга руҳлантирмоқда.

Улфатчилик, бир томондан яхши одат. Уч-тўрт дўстинг билан бир даврага жам бўлиб, кўнгила чигилини ёзасан. Янгиликлардан хабар топасан. Бироқ улфатчиликка спиртли ичимлик аралашса, ўртада кўринмас душман бош кўтарали. Кўринмас ҳам кўнгила гулгула солаверали. Мияни буткула маҳв этиб, атрофдагиларни ўз йўригига юргазали. Натижанда эса яхши ниятлар билан бошланган улфатчилик кўнгилазиллик билан яқун топади.

Хамма давраларда ҳам бундай бўлмавермайди, дерсиз. Тўғри, аммо битта бўлса ҳам шундай ҳолатнинг учраши ҳаммани хушёр торттирмайди, ичкилик-бозлик инсонга ҳеч қачон наф келтирмаслигини англаб етмоқ лозим.

Ботир ичкилик деса ўзини томдан ташлайдиганлар тоифасидан эди. Шу сабабли биринчи турмуш ўртоғи билан мурося қила олмайди. Ботирга хотин, бола-чақанинг зигирча қадри йўқ, унга ароқ бўлса, бас. Уйдаги буюмларни сотиб бўлса-да, битта ароққа пул топса, шу кунни "байрам". Шу сабабли топганини кўчага таширди.

Иккинчи турмуш ўртоғи ҳам унинг бу қилиқларига бардош бера олмайди. У билан ажрашди. Кўр-кўрни қоронғуда топади, деганларидек, Ботирнинг момосидан қолган ҳовлиси доим бекорчи, ароқхўрлар билан гавжум. Пул топилмас, уйдаги кўлга илинадиган нарсани ароққа алмаштириб келарди.

Сўнги марта ҳам шундай бўлди. Уйда бекорчиликдан димиқиб ўтирган Ботир ошналари Бахтиёр ва Исматни кўриб, кўнгила ёришди. Гарчи улар ёш жиҳатдан тенгдос бўлишмасда, шиша атрофида бу фарқ билинмасди. Бахтиёр Ботирдан ароққа пул беришини сўради. Ҳеч қерда ишламайдиган одамда пул нима қилсин?! Ботир пулни йўқлигини



ШИШАДАГИ «ДУШМАН»

айтди. Бахтиёр ҳам анойилардан эмасди. Ботирнинг уйи у учун ўз уйдик бўлиб қолганди. Дарҳол уйдаги лаганни кўтариб, кўчага отланди. Ярим соат ўтар-ўтмас, қўлида бир шиша ароқ билан кириб келди. Учовлон чордона қуриб, уни бўшатишди.

Ичкиликбозлик барча ёмонликларнинг дебачасидир, дейди кўпни кўрганлар. Дарҳақиқат, спиртли ичимлик таъсирида кимнингдир бурнини қонатган, кимнингдир уйига ўғирликка тушган, энг ёмони, мастлик туфайли кимнингдир ҳаётига зомин бўлган кимсалар ҳаётда учраб туради.

Шиша бўшагач, улфатлар бир-бирига қарашди. Чунки битта ароқ учаласи учун камлик қилганди. Яна олиб келиш учун уйда арзирли нарсаси ҳам қолмаган. Ботир елка қисди.

— Собир аканикига меҳмонга борами. — Бахтиёрнинг бу таклифи шерикларига маъқул тушди. Учовлон Қарши шаҳридаги "Каманди" маҳалласига

— С.Расуловнинг уйига боришди.

Оила аъзолари билан тушлик қилиб ўтирган С.Расулов "меҳмон"ларни хушламайгина қарши олди. Аммо ўзбекчилик "Уйга киришлар", демаса, одамгарчиликни унутган бўлади. Меҳмонлар мезбон таклифини кутмасданқо меҳмонхонадан жой эгаллашди. Бир-бирига маъноли қарашиб, С.Расуловнинг ҳаракатларини зимдан кузатишди.

— Уйда ароқ борми, ака? Ё буюғи "Тошкент пиёласи"дан бўладими?

Бахтиёр чой келтириб, дастурхон тўзаётган мезбонга ўзича аския қилди. Гапи ўзига наъша қилиб, хоҳоллаб қулди.

— Мен ароқ ичмасам, уйда ароқ нима қилади, ука? — Бахтиёрнинг гапи ёқмаган бўлса-да, мезбон индамай қўя қолди. Меҳмонлик одобидан беҳаббар Бахтиёр эса хиралик қилишда давом этди.

— Уйда ароғиз бўлмаса, пулизи бордир. Пулдан чўзинг,

Бекзод СУЙОНОВ,
Қашқадарё вилоят
прокуратураси бўлим катта
прокурори
Норбўта ҲОЗИЕВ,
«Huquq»

ароқни ўзимиз топиб келамиз.

Собир ака ароқ олиб бермаса, булардан қутулмаслигини англаб, Бахтиёрга пул узатди. Бахтиёр пулни олибқоқ кўчага югурди...

Улфатлар Собир аканинг уйидан чиқиб, яна Ботирнинг ҳовлисига келишди. Бироз ўёқ, бу ёқдан гаплашгандек бўлишди. Исमत кетишга чоғланди. Уни кузатишга чиққан Ботир ва Бахтиёрнинг яна ичкиси келди. Бахтиёр қолта йўл бўйидаги хўжалик моллари дўконига кириб, бир амаллаб қарзга битта кетмон олди.

— Кетмонни нима қиласан? — деди Ботир Бахтиёрнинг муздаосини тушунмай.

— Ҳозир биласиз, ака. Бахтиёр бироз юриб, «Бўс-

тон» маҳалласида жойлашган савдо дўконига кирди. Кўп ўтмай қарзга олинган кетмонни битта ароққа алмаштириб чиқди.


— Ака, базмни энди иккаламиз давом эттирамиз. — Ботир Бахтиёрнинг "уддабурон"лигига қойил қолди.

Кун кеч бўлиб қолган бўлса-да, Бахтиёр уйига кетишга шошилмасди. Кун бўйи ичганлиги туфайли маст бўлиб, тили ҳам гўлдираб қолганди. У Ботирни ҳеч қандай сабабсиз бўралаб сўкиб юборди. Ботир ҳам ундан қолишмас, айтаётган гап-сўзининг фаҳмига етмасди. Шу сабабли шериги билан гапи келишмасдан ўртада тортишув чиқди. Бахтиёрнинг ичса, жанжал кўтарадиган одати бор эди. Ботирни ҳақоратлаб, уриш мақсадида унга ташланди. Ҳам уйдан жой бери, ҳам сўкиш эшитиб ўтиргани Ботирнинг ғазабини алаңгалатди. Стол устида турган пичокни олиб, Бахтиёрнинг кўксига кетма-кет санчди. Қўлидаги қонни кўриб, ювиб келиш учун ташқарига чиқди. Қайтиб кирганида эса, Бахтиёрнинг жони узилган эди...

Ботир жасадни кўтарганча йўлга тушди. Ҳовлисидан юз метрлар узоқлашиб, жасадни кўчага ташлади. Пичокни эса йўл бўйида тўкилган кумга кўмди. Ҳеч нарсаси бўлмагандек уйига қайтди.

Бахтиёрнинг ҳаёти бундай фожиали яқун топишига, айрим жиҳатдан ўзи сабабчи бўлмадимикин? Босиси, ўттиздан ошган бу йигит тайинли бир жойда ишламас, доим ширакайф аҳволда кўча-қўйда тентираб юрарди. Ота-онаси унинг инсофга келишидан умидвор бўлиб, уйлантириб қўйишди. Аммо ўрганган кўнгила ўртанса қўймас, деганларидек, ҳар кун уйга маст-аласт келиши, жанжал кўтариши оқибатида оиласи ҳам бузилган эди.

Қотилни топиш қийин бўлмади. Судланувчи айбини тан олди. Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят суди томонидан Ботир Султоновга 16 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.



/Давоми. Бошланиши 7-бетда/

Бундан ташқари, агар ахборот давлат сирини ёки қонун билан қўриқладиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ўз ичига олган бўлмаса, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига, жаҳмият ва давлат манфаатларига зарар етказмаса, давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари ўзларидан сўралаётган ахборотни, қонун талабига қўра, ўн кун ичида тақдим этиши шарт.

Шунингдек, ушбу янги қонунда жисмоний ва юридик шахслар ўз мурожаатларини кўриб чиқилганига қадар ва кўриб чиқилаётган вақтда мурожаат юзасидан қарор қабул қилинганга қадар ёзма ёхуд элект-

Мурожаат қилиш ҳуқуқи

трон шаклда ариза бериш орқали қайтариб олиш ҳуқуқига эга эканлиги мустаҳкамланди.

Бунда мурожаатни қайтариб олиш ҳақидаги ариза давлат органлари томонидан қонун бузилишларини аниқлаш ва бартараф этиш бўйича чоралар кўрилишини истисно этмаслиги лозим.

Қонунда мурожаатларни кўриб чиқётган давлат органлари жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари, шунингдек, жаҳмият ва давлат манфаатлари бузилишини келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш мақсадида мурожаатларни бир йилда камида бир марта умумлаштириши ва таҳлил қилиб бориши белгиланди.

Юқорида баён этилган ана шу ҳуқуқий кафолатлар аввалги қонунда мавжуд эмас эди.

Шуни ҳам қайд этиш жоизки, ҳаётда айрим мутасаддилар томонидан мурожаатларни белгиланган тартибда кўриб чиқишда сансалорлик ва расмиятчиликка йўл қўйиш, бу борадаги камчилик ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф этмаслиги қўриб ҳолатлар ҳам учраб туради.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида янги қонунда тегишли меъёрлар белгиланди. Жумладан, давлат органлари мурожаатларни

кўриб чиқишда Конституциямиз ва амалдаги қонун талабларига тўлиқ риоя этиши, мурожаатларнинг ҳолис ва ўз вақтида кўриб чиқилиши учун зарур чора-тадбирлар кўриши, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликларини тиклаш ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш бўйича ўз ваколатлари доирасида чоралар кўриши шарт.

Шунингдек, қонунда мурожаатлар, уларнинг тури ва шаклидан қатъи назар, улар электрон ёки оғзаки бўладими, бир хил аҳамиятга эгалиги мустаҳкамланди. Қонунга қўра, электрон мурожаат электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва уни идентификация қилиш имконини берадиган бошқа реквизитларга эга электрон ҳужжат шаклида бўлиши керак.

Жисмоний ёки юридик шахс мурожаатни қабул қилиш ва кўриб чиқиш қонунга ҳилоф равишда рад этилганлиги устидан бўйсунув тартибда юқори турувчи органга ёхуд бевосита судга шикоят қилишга ҳақли. Бундан ташқари, мурожаатлар муносабати билан аён бўлиб қолган маълумотларнинг ошқор этилмаслиги, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари муносабати билан уларнинг хавфсизлиги кафолатлари ҳам қонунда ўз ифодасини топган.

Айтиш керакики, ушбу янги қонунда

мурожаатларни кўрмай қолдириш асослари ҳам белгиланган. Яъни аноним мурожаатлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатлар, уларнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда, қонунда белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаган мурожаатлар кўрмасдан қолдирилди.

Жисмоний шахснинг исм-фамилияси, унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар ёки юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган ери, почта манзили тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёхуд улар ҳақида ёлғон маълумотлар кўрсатилган, шунингдек, имзо ёки электрон рақамли имзо билан тасдиқланмаган мурожаатлар аноним мурожаатлар ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, янги қонун замонавий ахборот-коммуникация воситалари ва технологияларидан фойдаланган ҳолда мурожаатларни киритиш имкониятини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлади. Қонунда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, шунингдек, юридик шахсларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг қўшимча кафолатлари белгилаб қўйилди. Бу, ўз навбатида, давлат органларининг ушбу соҳадаги ишчи сифат жиҳатидан юқори даражага қўтариш имконини беради.

Келажагимиз ёшлар таълим-тарбиясига боғлиқ

Фарзандингизга ёшлигидан яхши-ёмонни, меҳнатсеварлик, ростгўйлик, ҳалолиқнинг аҳамиятини, ҳаромдан ҳазар қилиш кераклигини тушунтирмасангиз, келажакда унинг эл-юртига фойдаси тегадиган қимматли инсон бўлиб ўқайиши даргумон.

Ёш авлодни қандай инсон қилиб тарбиялаш биргина оила ё маҳалла учунгина эмас, балки бутун мамлакат учун ҳам муҳим аҳамиятга эга масаладир. Чунки, мамлакатимиз келажаги бугун ёшларга қандай таълим-тарбия бераётганимизга боғлиқ.

Яқинда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилар Кенгаши ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ҳамда республика проку-

ратураси ҳамкорликда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга нисбатан содир этилаётган ҳар қандай жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда ёзги дам олиш таътиллари мазмунли ўтказиш ва уларнинг ҳавфсизлиги таъминлаш юзасидан дастур ишлаб чиқилди.

Ушбу дастур доирасида Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар, Халқ таъли-

ми, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш ассоциацияси, "Қамолот" ЁИХ, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси ходимлари билан Қорақалпоғистон Республикасининг барча шаҳар ва туманларидаги коллеж, умумтаълим мактаблари ва яшаш жойларида маънавий тарғибот тadbирлари ташкил қилинди. Дастурга асосан барча туман ва шаҳарларда ишчи гуруҳлар тузилди. 269 та умумтаълим мактабда, 82 та коллеж ва лицейда, 109 та яшаш жойларида ўтказилган тadbирларда ўқувчилар ва

уларнинг ота-оналари ҳамда маҳалла фаоллари иштирок этди.

Ийгилишларда вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ёзги дам олиш таътилини мазмунли ўтказиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумотлар берилди. Шунингдек, соҳа мутахассислари вояга етмаганларнинг ҳуқуқий онгини ошириш, уларнинг қонунчиликда белги-ланган ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шу билан бирга, муомала

Қуатбай РЕЙМНАЗАРОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
прокурорининг катта ёрдамчиси

ва кийинши маданиятга амал қилиниши, бўш вақтни бемалуд ўтказмаслик, вояга етмаганлардан таққиланган меҳнат турларида фойдаланмаслик ҳамда уларга таълим-тарбия бериш борасида ота-оналарнинг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари бўйича тушунчалар берилди.

Самарқанд шаҳрида "Тadbиркор қизнинг энг яхши лойиҳаси-2016" танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

"Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фило, Ўзбекистоним!" шиори остида вилоят прокуратураси, хотин-қизлар қўмитаси, марказий банк, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармалари ва "Тadbиркор аёл" уюшмаси вилоят бўйича ҳамкорлигида ташкил этилган тadbирда 48 нафар тadbиркор қиз иштирок этди.

Ташаббускор қизлар қўллаб-қувватланмоқда

Дилмурод САЙИДКУЛОВ,
Самарқанд вилоят прокурорининг ёрдамчиси

Тadbирда сўзга чиққанлар Президентимиз раҳнамолигида ёшларнинг интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқариш, илм-фан, маданият ва спорт соҳаларидаги ютуқларини рағбатлантириш, истеъдод ва салоҳиятини юзага чиқариш учун кенг имкониятлар яратишга алоҳида эътибор қаратаётганини таъкидлашди.

2015-2016 ўқув йилида вилоятимиздаги касб-ҳунар коллежларини 27 минг 463 нафар қиз битириб, уларнинг 2 минг 730 нафари тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган. Танловнинг шаҳар ва туман босқичларида 400 нафар қиз ўзининг бизнес-режалари билан иштирок этди.

Вилоят босқичи натижаларига кўра, "Сервис соҳасида энг яхши тadbиркор қиз" йўналишида Пахтачи автомобиль ва йўллар касб-ҳунар коллежи битирувчиси Ситора Файзуллаева ҳамда Кўшработ маший хизмат коллежи битирувчиси Моҳинур Саъдуллаева, "Ишлаб чиқариш борасида энг яхши тadbиркор қиз" йўналишида Самарқанд банк коллежи битирувчиси Раббона Исмаилова ва Оқдарё хизмат кўрсатиш коллежи битирувчиси Моҳинур Тўхтаева голиб деб топилди, "Қишлоқ хўжалиги соҳасида энг яхши тadbиркор қиз" йўналишида Мойбулоқ агро-тadbиркорлик ва сервис касб-ҳунар коллежи битирувчиси Феруза Мусурмонова, Иштихон педагогика коллежи битирувчиси Ерkinой Исмоилова голибликни эгаллаб, танловнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Хусусан, сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича бизнес-режаси билан иштирок этган Феруза Мусурмонова ҳозирда ишлаб чиқариш цехига эга. Унда 15 киши меҳнат қилмоқда. Унинг мақсади келгусида банкдан 26 миллион сўм кредит олиб, сутни қайта ишлаш цехига замонавий дастгоҳлар ўрнатиш ва творог, майонез, пишлоқ каби маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишдир. Ёш тadbиркорнинг режаси амалга оша, тенгдошларидан 12 нафари доимий иш билан таъминланган.

Зеро, Ўртбошимиз айтганидек, қиз бола, аввало, касб эгаласин, ўз фикрига эга бўлсин, ҳаётни англасин. Шундан кейин у ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топади, жамиятимизнинг фаол аъзосига айланади, эртага у қурайдиган оила ҳам мустаҳкам бўлади.

Иқтидорли ёшларимизнинг яна бир муваффақияти



Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламини ислохотлар навқирон авлоди нўбёда ҳеч қилман кам бўлмаган ва кам бўлмайдиган инсонлар этиб вояга етказишда муҳим омили бўлмоқда.

Ўзбекистон ёшлари халқаро микёсда ўтказилаётган турли нуфузли танловлар, фестиваллар, фан олимпиадалари, спорт мусобақаларида муносиб иштирок этиб, биз аслида қимлигимиз, қандай буюк аждодларнинг ворислари эканлигини дунё аҳлига исбот этаётимиз. Шу йилнинг 23 июлидан 1 августига қадар Тбилиси шаҳрида кимё фани бўйича ўтказилган 48-Бутунжаҳон олимпиада-сиди ёшларимизнинг муваффақиятли иштироки бунинг ёрқин далилидир.

Мазкур интеллектуал беллашувда етмиш беш давлатдан уч юздан ортиқ ўқувчи қатнашди.

Олимпиадада Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги Юнусобод академик лицейи ўқувчиси Сарвар Шоюнусов кумуш, Самарқанд давлат тиббиёт институти қошидаги 1-академик лицейи ўқувчиси Жаҳонгир Фахриев ва Тошкент тиббиёт академияси қошидаги академик лицейи ўқувчиси Чарос Омонова бронза медалларини қўлга киритди. Улар жорий йилнинг май ойида Россияда ўтказилган кимё фани бўйича 50-халқаро Менделеев олимпиадасида ҳам совриндорлар сафидан жой олган эди.

— Бугунги тараққиётга пойдевор бўлаётган тиббиёт, математика, астрономия каби соҳалар бешигини тебратган Абу Али ибн Сино, Муҳаммад Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад Фароний, Мирзо Улуғбек сингари улўғ аждодларимизнинг анъаналарини давом эттиришдек бахтга мустақиллик туфайли эришдик, — дейди кимё фани бўйича ўтказилган 48-Бутунжаҳон олимпиадаси совриндори Сарвар Шоюнусов. — Тарихи буюк мамлакатнинг келажаги ҳам буюкдир, деган фикр қалбларимизда акс садо бермоқда. Давлатимиз раҳбарининг ёш авлод камолотига қаратаётган юксак эътибори, лицейимизда таълим олиш учун яратилган қулай шароит ва имкониятлар илм-фанга меҳримизни оширмоқда.

Сарвар каби иқтидорли ўқувчилар таълим олаётган Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги Юнусобод академик лицейи ҳам мустақиллик йилларида тубдан янгиланди. Ўқув корпуслари, спорт иншоотлари ва бошқа зарур бинолар қурилиб, жаҳон стандартларига мос жиҳозланди. Замонавий мультимедия ва компьютер воситалари билан таъминланган кенг, шинам аудиториялар, лингфон ва лаборатория хоналари, бир миллион нусхага яқин китоб фондига эга замонавий ахборот-ресурс маркази ёшларнинг етук билим олиши, илм-фанда юксак марраларни забт этишида муҳим омили бўлмоқда.

Академик лицейда камолга етган ўқувчилар кимё фанидан турли мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб, сўнгги етти йилда бешта олтин, ўн та кумуш ва ўн олтинта бронза медалга сазовор бўлди.

— Президентимиз томонидан ёш авлод учун яратилган улкан шароитлар фарзандларимизнинг орзуларига қанот бағишлаб, уларни янги-янги марралар сари руҳлантирмоқда, — дейди мазкур академик лицейи директори Орткибой Эшонқулов. — Навқирон авлод камолоти йўлида кўрсатилаётган эътибор учун давлатимиз раҳбаридан гоят миннатдоримиз.

ЎЗА

Ҳуқуқбузарликларнинг олди олинмоқда

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида манфаатдор ташкилотлар билан бирга амалга оширилаётган ишлар, милиция таянч пунктлари профилактика инспекторларининг фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорлиги самараларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Истиқлол йилларида бола ҳуқуқларини таъминлаш, оила манфаатларини ҳимоя қилиш, маънавий ва жисмоний баркамол инсонни вояга етказиш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида мустақиллик йилларида вояга етмаганлар жиноятчилиги қарийб уч баробар қаймаган.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқ-тартибот идоралари, давлат бошқаруви органлари ва жамоат тузилмалари билан ҳамкорликда изчил ишлар амалга оширилаётган. "Усмир", "Давомат", "Ўқувчи", "Ҳамхўрлик" каби ташкилий ва амалий тadbирлар бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шунингдек, жорий йилнинг ўтган даврида ички ишлар органлари томонидан ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояга муҳтож вояга етмаганлар билан яқка тартибдаги профилактик тadbирлар амалга оширилганлиги таъкидлаб ўтилди. Хусусан, маҳаллаларда ташкил этилган милиция таянч пунктлари атрофида ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун факультатив тўғарақлар, кичик бизнес шохобчалари, спорт майдончалари барпо этилганлиги ҳам вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ўзининг самарасини бермоқда.

Маълумотларга кўра, амалга оширилган профилактик огоҳлантирув тadbирлари натижасида жорий йилнинг ўтган даврида вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,2 фоизга қаймаган.

Гули ХОҶИБОЕВА,
«Нуқид»

бирлари натижасида жорий йилнинг ўтган даврида вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,2 фоизга қаймаган.

Анжуманда оммавий ахборот воситалари вакиллари Республика ҳудудида вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

/Давоми. Бошланиши 5-бетда/

Маҳаллийлаштириш дастури асосида ташкил қилинган мазкур корхона йилига 225 мингдан ортиқ двигател ишлаб чиқариш қувватига эга. "Евро-5" халқаро экологик стандартлари асосида тайёрланаётган двигателлар Асака автомобиль заводида етказиб берилиши билан бирга экспорт қилинаётгани ҳам эътиборга лойиқдир.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2015 йил 11 февралдаги қарори билан тасдиқланган 2015-2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури соҳа корхоналари учун кенг имкониятлар яратмоқда. Дастурга мувофиқ "Ўзавтосаноат" корхоналарида амортизатор, спидометр, автомобиллар учун резинотехник буюмлар, кичкина ва стационар батарея, радиатор, кондиционер ва шовкинни тўсувчи материаллар каби 30 турдан зиёд sanoat маҳсулотлари маҳаллийлаштирилиши кўзда тутилган.

Мамлакатимиз автомобилсозлик соҳаси жамиятнинг бошқа турдош соҳаларига ҳам ижобий таъсир ўтказиб, бандликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётди. Ҳозирги пайтда компания тизимида 27 мингдан зиёд киши меҳнат қилаётгани бунинг яққол далилидир.

Кичик бизнесга қанот бўлиб

Мамлакатимизда ишлаб чиқариш тармоқларининг тараққий этиши транспорт хизматларига бўлган талабнинг кескин ошишига олиб келди. Бу йўл-транспорт коммуникацияларини ривожлантириш баробарида юк автомобилла-

Халқимизнинг иқтисодий ва маънавий қудрати ифодаси

ри паркни янгилаш, турларини кўпайтириш заруратини келтириб чиқарди.

90-йилларда аксарият юк транспорт воситалари буткул эскиргани, қолаверса, нарх белгилашда кўпроқ автомобилнинг юк кўтариш қобилиятидан келиб чиқилгани оқибатида ташиш харажатлари маҳсулот рақобатбардошлигига салбий таъсир кўрсатувчи омиллардан бирига айланганди. Бу, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари учун қимматга тушмоқда эди.

Мамлакатимиз автомобилсозлик тармоғини ривожлантиришда ушбу жиҳатларнинг алоҳида эътиборга олингани 2007 йилда Самарқанд автомобиль заводида уч турдаги юк машинаси ишлаб чиқаришнинг бошланишида намоён бўлди.

Япониянинг "Isuzu Motors Ltd" ва "Itochu Corporation" компаниялари билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур заводда кичик, ўрта, оғир юк ташувчи автомобиллар билан бир қаторда, автобуслар ишлаб чиқариш ҳам ўзлаштирилган. Заводнинг ёш муҳандислари саъй-ҳаракати билан йигирмадан зиёд кузов модификациялари, хусусан, бортли, енгил ҳамда изотермик фургонлар, рефрижераторлар, озиқ-овқат маҳсулотлари ташишга мўлжалланган машиналар, ўзига даргич (самосвал) ва ўт ўчириш автомобиллари, кўчма (мобиль) қон қуйиш станциялари ҳамда дориҳоналар, газ-қутқарув, махсус транспорт

воситалари яратилиб, серияли ишлаб чиқарилмоқда.

Табийи газда ҳаракатланишга мослаштирилган юк автомобиллари ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилгани мамлакатимизда транспорт эксплуатацияси харажатларини қисқартириш, экологик тоза ёқилги манбаларидан фойдаланиш кўламининг ортишига хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг 2011 йил 16 февралдаги "Оғир юк кўтарадиган автотранспорт воситаларини ишлаб чиқаришни келгусида ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, мамлакатимизда оғир юк ташувчи "MAN" автомобиллари ишлаб чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш мажмуаси қурилишига асос солинди.

Ҳозирги кунда "JV MAN Auto Uzbekistan" Ўзбекистон — Германия қўшма корхонасида 15 тоннадан 40 тоннагача юк кўтариш қувватига эга 40 дан ортиқ турдаги замонавий ҳамда ишончли юк автомобиллари ишлаб чиқарилмоқда. Уларга "UzAuto Trailer" корхонаси томонидан ишлаб чиқарилаётган тиркамалар ўрнатилиб, истеъмолчиларга етказиб берилмоқда.

Ҳар бир хонадонда

Автомобиль аҳолининг узоғини яқин қиладиган, ҳаёт сифатини оширадиган

воситалардан бири. Мустақиллик йилларида халқимиз турмуш даражаси нақадар юксалганини биргина шу жиҳат орқали ҳам англаш, ҳис қилиш мумкин. Бугун мамлакатимизда ҳар 100 оиланинг 42 таси енгил автомобилга эга.

— Авваллари ҳовли-жой деганда бир неча хонадан иборат уй тушунарди, — дейди Бахмал туманида яшовчи Бахриддин Турсунов. — Эндиликда уй қуриш машина қўйиладиган жойни тиклашдан бошланадиган бўлди.

Мухтасар қилиб айтганда, тараққийнинг "ўзбек модели" ёрқин инъикоси бўлган мамлакатимиз автомобил саноати йигирма йилда тез ва барқарор суръатларда ривожланиб, мустақилликнинг мустаҳкам sanoat тармоғига айланди. Айни вақтда автомобиль ишлаб чиқарувчи 52 давлатдан бири бўлган мамлакатимизнинг ишлаб чиқариш қувватлари бўйича биринчи ўттизталикдан жой олгани миллий автосаноатнинг халқаро нуфузи тобора ортаётганидан далолат беради. Буларнинг барчаси истиқлолимизнинг илк кунларида Президентимиз томонидан илгари сурилган Ўзбекистон — келажаги буюк давлат, деган ғоя — олий орзумимизнинг руёбга чиқаётганининг амалий тасдиғидир.

ЎЗА

Реклама



Fitch Ratings

халқаро рейтинг
агентлиги 2016 йил 22 июлда

«Асака»

акциядорлик тижорат банкининг
халқаро кредит рейтингини
кўтарди ва истиқболлини

«Барқарор»

деб тасдиқлади



Олимпиячиларимиз Бразилияга йўл олди

Ўзбекистон спорт делегацияси XXXI ёзги Олимпия ўйинларида иштирок этиш учун Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида жўнаб кетди.

Шу муносабат билан Тошкент халқаро аэропортида ўтказилган маросимда давлат ва жамоат ташкилотлари, спорт жамоатчилиги вакиллари, спортчиларнинг ота-оналари, оммавий ахборот воситалари ходимлари жам бўлди.

Ёзги Олимпия ўйинларида қатнашиш, унда ўз Ватани шарафини ҳимоя қилиш ҳар бир спортчининг энг эзгу орзусидир. Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралдаги "Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ спортчиларимиз мазкур нуфузли мусобақага пухта тайёргарлик кўрди.

Президентимизнинг 2016 йил 12 июлдаги Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёргарлиги ва иштироки тўғрисидаги қарори олимпиячиларимизнинг тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақасида муносиб қатнашишини таъминлашга хизмат қилади.

Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтадиган бу галги Олимпия ўйинларида Ўзбекистон спортчилари академик эшак эшиш, бадий гимнастика, байдарка ва каноэда эшак эшиш, бокс, дзюдо, енгил атлетика, оғир атлетика, спорт гимнастикаси, стол тенниси, сузиш, тазвондо (WTF), теннис, трамполин, ўқ отиш, эркин ва юнон-рум кураши каби қатор спорт турлари бўйича бахslashлади. Олимпия ўйинларида спортнинг 16 тури бўйича 70 нафар вакилларимиз Ватанимиз шаънини ҳимоя қилади.

Ўзбекистон спорт делегацияси Рио-де-Жанейро шаҳрига "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясининг махсус самолётида жўнаб кетди.

Эслатиб ўтамиз, 5 август куни афсонавий "Маракана" стадионида ёзги олимпия ўйинларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтади.

Биз барча спортчиларимизга Рио-2016 Олимпия ўйинларида омад тилаймиз! Ўзбекистон шаънини муносиб ҳимоя қилиб, кўксиларини медаллар билан тўлдириб қайтишларига умидвормиз.



«Челси» собиқ

футболчисига харидор

Англиянинг "Челси" клуби бельгиялик ҳужумчи Ромелу Лукаку борасида "Эвертон" жамоасига таклиф юборди. Кўклар форварда учун 80 млн. евро беришга тайёр.

Икки йил олдин "Эвертон" клуби Лукакуни айнан "Челси" жамоасидан 35 млн. еврога сотиб олган эди. Ҳозир эса унинг трансфер нархи анчагина ошган. Шу ёзда "Челси" клуби Ромелу учун 60 млн. евро таклиф қилган эди, аммо "Эвертон" жамоаси бунга рад жавобини берди. "Челси" жамоаси таклиф қилган 80 млн. евро "Эвертон" клубига камлик қилиши мумкин. Сабаби трансфер бозорига бельгияликнинг ўрнини боса оладиган ҳужумчи топиш қийин.

Блашчиковски «Вольфсбург»га ўтди

Францияда бўлиб ўтган Евро-2016 мусобақасида аjoyиб ўйин кўрсатган бўлишига қарамай Дортмундининг "Боруссия" клуби хизматларидан воз кечган польшалик футболчи Якуб Блашчиковски фаолиятини "Вольфсбург" жамоасида давом эттирадиган бўлди.

Футболчи "бўрилар" билан 2019 йилга қадар шартнома тузди. Олдинроқ ушбу трансфер 5 миллион еврога айланиши ҳақида хабарлар чиққанди.

Эслатиб ўтамиз, ўтган мавсумда Блашчиковски 15 та ўйинда 2 та гол урган ва 2 та голли пасни амалга оширган.



Сане «Манчестер Сити» қанчага тушади?

Германиянинг "Шальке" клуби ярим ҳимоячиси Лерой Сане Англиянинг "Манчестер Сити" жамоасига ўтишига яқин турибди.

Хабарларга қўра, "шаҳарликлар" 20 ёшли германиялик футболчи учун 37 миллион фунт стерлинг (44 млн. евро) ва бонуслар тўлайди.

Авалроқ трансфер суммаси 55 миллион еврони ташкил қилиши хабар қилинган эди. "Шальке" клуби футболчининг ҳозир Манчестерда эканлиги ва гелъзенкирхенликлар машғулотларига келмаётганини тасдиқлади.



Зидан «Мидлсбро»да, Симеоне «Женоа»да?..

Мадриднинг "Реал" жамоаси бош мураббийи Зайниддин Зиданнинг ўғли Энцо Зидан фаолиятини Англия чемпионатида давом эттириши мумкин. Бу ҳақда "Mirror" хабар бермоқда.

Манбанинг маълум қилишича, премьер-лиганинг янги вакили бош мураббийи Аитор Каранка 21 ёшли футболчи ҳисобига таркибини кучайтирмоқчи. Энцо "Мидлсбро" клубига бир йилга ижарага ўтиши қутилмоқда. Шунингдек, футболчининг хизматларига "Алькоркон" ва "Спортинг" каби Испания жамоалари ҳам қизиқиш билдиришган.

"Ривер Плейт" ҳужумчиси, "Атлетико" бош мураббийи Диего Симеонининг ўғли Жованни Симеоне "Женоа"га ўтишга яқин.

21 ёшли аргентиналик футболчи Италия клубида тиббий куридан ўтди ва 5 йиллик шартномага имзо чекди.

Трансфер 3 миллион еврога айланди. Айти пайтда Симеоне Рио-де-Жанейрода Аргентина олимпия терма жамоаси ихтиёрида бўлиб турибди.

Ўтган мавсум Аргентина чемпионатининг 34 та ўйинида Жованни 12 та гол урган.



«Милан» Швайнштайгерга қизиқмоқда

"Манчестер Юнайтед" клуби ярим ҳимоячиси Бастиан Швайнштайгер шу йил ёзда Англия клубини тарк этади.

"МЮ"га Жозе Моуриньо бош мураббий бўлганидан сўнг бир қатор футболчилар клубни тарк этишга мажбур. Чунки мураббий уларнинг хизматларига муҳтож эмаслигини билдирган.

Хабарларга қўра, германиялик ярим ҳимоячига Италиянинг "Милан" клуби асосий даъвогар бўлиб турибди.

Интернет хабарлари асосида Максудали ҚАМБАРОВ тайёрлади

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Сурхондарё вилоят прокуратураси жамоалари ҳамда Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази прокуратура фахрийси
Абдунаби ҚЎЗИМУРОДОВнинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Қашқадарё вилоят прокуратураси жамоаси Қамати туман прокуратураси терговчиси Умиджон Жаҳангирова падари бузруквор
Мусурмон ЖАХАНГИРОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖДЛҚК департаменти жамоаси департамент бўлим бошлиғи Азиз Солеевга онаси
Амина ХАМРАЕВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖДЛҚК департаменти жамоаси департаментнинг Сурхондарё вилоят бошқармаси катта инспектори Абдуаллик Қўзимуродов отаси
Абдунаби ҚЎЗИМУРОДОВнинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Huquq

юрidik gazeta

Муассис:

**Ўзбекистон
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi**

Bosh muharrir:

Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:

Hakimboy HALIMOV Baxtiyor NAZAROV
Gulnoza RAHIMOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)
Kamoliddin ASQAROV
(mas'ul ko'ab)

Tahririyat manzili:

Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,

Faks: 233-10-53,

233-64-85

E-mail:

huquq@huquq-gazeta.uz

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.

Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqdir qilinmaydi va egalariга qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. «HUQUQ» materiallarini ko'chirib boshish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. □ — tijorat materiali. Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi

231

Buyurtma S-6651. 38 453 nusxada bosildi.

Oqog'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq.

Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: **M.DUSIYAROVA**

Sahifalovchi: **S.BABAJANOV**

Navbatchi: **O' DEHQANOV**

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.

Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi muharriri va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrida 0188-raqam bilan to'xtatib olingan.

ISSN 2010-7617



9 772010 761004